Бутун дунё пролетарлари, бирлашинглар!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 27 (13.289).
2 ФЕВРАЛЬ
1966 йил
ЧОРШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЯНГИ СУҒОРИШ СИСТЕМАЛАРИ

Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхози учун 700 гектар янги ерни ўзлаштириш лойиҳаси тузилди. Ирригация каналлари ва коллекторлар қуриш, «остона» каналида насос станцияси барпо этиш учун қилинадиган харажатларни давлат ўз зиммасига олади. Ана шу мақсадда 290 минг сўм маблағ ажратилди. Колхоз янги очилган ерлардан шу йилнинг ўзидаёқ минг центнер пахта олади.

Давлат маблағлари ҳисобига Термиз ва Жарқўрғон районларининг колхозларида 3,6 минг гектар шўрхок ва ботқоқ ерларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Далаларни текислаш, шунингдек коллектор-дренаж тармоқларини қайта қуриш мўлжалланади. Сурхондарё областининг «Намуна» Карл Маркс номли колхозларида ва бошқа хўжаликларда тупроқни яхшилаш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилади.

Бу йил давлат Ўзбекистонда биринчи галда 157 колхоздаги эски каналларни реконструкция қилиш, янги инженерлик каналлари ва коллекторлар қуришни ўз зиммасига олади. Ана шу ишлар давомида 10,7 минг гектар шўрхок ерларнинг аҳволини мелиорация жиҳатидан яхшилаш, 8,3 минг гектардан кўпроқ қўриқ ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига қўшишга қарор қилинди.

Давлат Андижон областидаги колхозларда ирригация ва мелиорация ишларини амалга оширишга кўпгина маблағ сарфлайди. Хоразм, Сирдарё, Тошкент ва бошқа областлар ҳамда Қорақалпоғистондаги хўжаликларда йирик мелиорация ишларини амалга ошириш планлаштирилмоқда. Бу ишларни бажариш Республика Мелиорация ва Сув хўжалиги министрлиги қурилиш-монтаж бошқармаларининг коллективлари зиммасига юклатилди. (ЎзТАГ).

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ ЮКСАЛМОҚДА

Республикамиз индустриясининг йирик ва йилдан-йилга юксалиб бораётган тармоғи — пахта тозалаш саноати муттасил зўр аҳамият касб этмоқда. Шу тармоқ корхоналарида 50 мингдан ортиқ ишчи ва инженер-техник ходим баракали меҳнат қилмоқда. Етти йиллик мобайнида пахта тозалаш заводлари, пунктлари ва қуритиш-тозалаш цехлари янги серунум машина-ускуналар, механизмлар билан жиҳозланди, меҳнат унумдорлиги тобора ортиб борди. Пахта тозаловчилар тўқимачиларга аъло сифатли тола етказиб бериш учун ҳормай-толмай ишламоқдалар. Узбекистон пахта заводлари етти йилликда пландан ташқари 200 минг тоннадан ортиқ тола ишлаб чиқардилар. Тўқимачилар ана шу толадан ер шарини экватор бўйлаб 50 марта ўрашга етадиган газлама тўқиса бўлади, демоқдалар. Пахта тозалаш заводларининг коллективлари етти йилликнинг охирги йилида ҳам катта зафарларни қўлга киритдилар. 1965 йил плани ҳам муддатидан илгари адо этилди. Пахта тозалаш саноатининг меҳнаткашлари она Ватанга планга қўшимча равишда 50 минг тонна тола армуғон этдилар.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини дилга жо этган индустриямиз меҳнаткашлари, шу жумладан пахта тозалаш саноатининг ишчи ва инженер-техник ходимлари ҳам коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда катта босқич бўладиган беш йилликда улкан режаларни амалга оширадилар. 1966 йилда учта янги завод қурилади ҳамда бир завод кенгайтирилади. Беш йиллик мобайнида 19 та пахта тозалаш, 80 та қуритиш-тозалаш цехи барпо этилади. Бир қанча цехлар реконструкция қилинади. 1959—1965 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини кенгайтириш ҳамда машина ускуналар билан жиҳозлаш учун 85 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса беш йилликда ана шу мақсад учун 153 миллион сўм харжлаш планлаштириб қўйилди. Хуллас, индустриянинг бошқа тармоқлари қатори пахта тозалаш санотига ҳам тармоқ принципи асосида раҳбарлик қилиш унинг жадал ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ равишда ривожланиши учун кенг истиқболлар очиб беради.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорларига мувофиқ, республикамизда тармоқ министрликлари, шу жумладан Пахта тозалаш саноати министрлиги барпо этилди. Янги министрликнинг тузилиши корхоналарни янги техника билан жиҳозлаш, уларни муттасил кенгайтириб бориш, ҳар бир корхонанинг эҳтиёжини аниқ ҳисобга олиш, ҳар бир завод экономикасини юксалтириб бориш имкониятларини яратади. Министрлик ҳузуридаги капитал қурилиш бўлими қайта ташкил этилди. Бўлим қошида қурилиш ишларининг боришини оператив тарзда бошқариб боришга қодир бўлган, лойиҳа-смета ҳужжатларига аниқ амал қилинишини таъминлайдиган бўлимчалар тузилди. Моддий-техника таъминоти билан бир қаторда ускуналар ҳамда комплектлаш бўлимлари ҳам ташкил этилди. Бу тадбирлар қурилишларни ҳамда заводларни зарур ускуналар ҳамда механизмлар билан ўз вақтида ва беками-кўст таъминлаб туриш имконини беради. Министрликнинг план бўлимида эса ишлаб чиқариш кўрсаткичларини чуқур иқтисодий таҳлил қилиш билан шуғулланадиган мутахассислар самарали ишламоқдалар.

Республика пахта тозалаш саноати корхоналари ишида шунингдек, янги пахта заводлари ва цехлар қурилишида етти йиллик мобайнида айрим камчиликлар ҳам содир бўлди. Хусусан, йилдан-йилга пахта ялпи ҳосили ўсиб бораётганлигига қарамасдан республикамизнинг айрим областларида, хусусан Хоразм областида пахтани қайта ишлайдиган янги корхоналар барпо этилмади. Қурилаётган айрим янги корхоналар белгиланган муддатларда лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда ускуналар билан таъминланмаганлиги учун қурилиш муддатлари чўзилиб кетди. «Средазирсовхозстрой» Сирдарё областида янги совхозлар барпо этиб пахта заводлари қурилишига етарли эътибор бермади. Бунинг оқибатида пахта бошқа областлардаги пахта заводларига ташиб кетилиб, қайта ишланди. Шу боисдан ҳам толанинг таннархи қимматлашиб кетди, бу эса ўз навбатида пахта заводларининг экономикасига салбий таъсир кўрсатди.

Пахта тозалаш ва луб саноати Узбекистон ССР экономикасини ривожлантиришда катта ўрин тутади. Бу тармоқ хўжаликларнинг ички жамғармаларини вужудга келтиришда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Бу корхоналар етти йиллик мобайнида 363 миллион сўм фойда олдилар. Пахта тозалаш ва луб саноати корхоналари бюджетга энг кўп миқдорда маблағ топширмоқдалар. Аммо ана шу корхоналар 1965 йилда давлат бюджетига белгиланган миқдорда маблағ ажратиб бера олмадилар. Жамғарма планларининг бажарилмаётганлигига асосий сабаб шуки, ана шу тармоқнинг кўпгина корхоналарида давлат маблағларини сарфлашдаги исрофгарчиликларга барҳам бериш учун изчиллик билан кураш олиб борилмаётир. 1965 йилнинг январь-сентябрь ойлари ичидагина 3 миллион 231 минг сўм пул ўринсиз сарфлаб юборилганлигини айтиб ўтиш кифоядир.

Партия ва совет ташкилотлари, Узбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги, пахта тайёрлаш область трестлари ҳар бир корхона аҳволини пухта билиб иш юритишлари, ҳар бир завод ва цехнинг экономикасини кўтариш учун курашишлари лозим. Пахта ва луб саноати корхоналарини малакали мутахассис кадрлар билан таъминлашга, уларнинг самарали ишлаши учун зарур маданий-маиший шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор бермоқ даркор. Пахта тозалаш заводларининг асосий фондларидан тўлароқ ва унумлироқ фойдаланиш шу тармоқ меҳнаткашларининг шарафли бурчидир.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорларидан илҳомланган, ана шу қарорларни бажаришга бажонидил киришган пахта тозалаш саноатининг азамат меҳнаткашлари беш йиллик тонги — 1966 йилда янги ғалабаларни қўлга киритадилар, деб қатъий ишонч билдириш мумкин.



Сиз суратда Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг илғор ишчиларидан (чапдан) Л. Кулева, Л. Соатова, Л. Ким ва М. Куряева ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар КПСС XXIII съезди шарафига бошланган мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

БРИГАДИР

Бу воқеа 1964 йил март ойининг бошларида бўлган эди. Ўғилжон эшикни очиб, мумкинми деб кабинетга кирганда, колхоз партия ташкилотининг ўша вақтдаги секретари Отаев қоғозга нималарнидир ёзаётган эди. У бошини кўтарди-да, қаршисида турган новча, қотмадан келган жувонга: «хўш, келинг, хизмат?», деб жой кўрсатди.

— Келишимнинг сабаби, — деб сўз бошлади аёл,— 10-бригадани илғорлар қаторига етказиб олдик. Энди колхозимизда энг қолоқ ҳисобланган 13-бригадага ўтиб ишласам деб, маслаҳатга келувдим. Шунга нима дейсиз. Мана бу аризам, деб қўлидаги қоғозни секретарга узатди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти коммунист Ўғилжон Нуруллаеванинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бригадага Ўғилжон раҳбарлик қила бошлади.

Баъзилар аёл кишини оғир участкага ташлашибди, ишни эплай олармикин деб, шубҳа билан қаради. Ҳақиқатан ҳам бу бригадада аҳвол оғир, ишчи кучи оз, ери зах, кам ҳосилли эди. Илгари партов бўлиб кейинчалик экинзорга айлантирилган бу ернинг ҳар гектаридан кейинги йилларда атиги 19-20 центнердан пахта олинган эди, холос. Бу, колхознинг ўртача кўрсаткичидан анча паст.

Ишнинг кўзини биладиган, моҳир ташкилотчи аёл бригаданинг 16 аъзосини йиғиб «бригадамизни қай йўл билан қолоқликдан чиқариб, илғорлар қаторига қўша оламиз» деган масалани ўртага ташлади. Бригаданинг тажрибали аъзоларидан Отажон ака Қозоқов, Ражаб Бобожонов ва Гулжон Отажоновалар ернинг ирригация ва мелиорация ҳолатини яхшилаш, механизациядан унумли фойдаланиш тўғрисида яхши маслаҳатлар бердилар. Коллектив аъзоларининг фикрини бригадир колхоз правлениесининг раиси А. Хўжаниёзовга маълум қилди. Раис эса уларнинг талабини эътиборга олди. Ишчи кучи, механизмлар билан ёрдам кўрсатди. 10 километр узунликда зовур қазилиб, ер ости суви қочирилди. Ернинг мелиоратив ҳолати анча яхшиланди.

Бригада аъзолари кўрсатилган ёрдамдан самарали фойдаланиб, бир ёқадан бош чиқариб ишга киришдилар. Уларнинг меҳнати зое кетмади. Ўша йили 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил олинди. Ўғилжон илгари механизация мактабида ўқиб, механик-ҳайдовчилик касбини эгаллаган эди, машина рулига ўтириб, мавсумда 100 тоннадан ортиқ пахта терди.

Ўтган йили ҳосилдорлик кескин ошди. Гектаридан 40,3 центнер «оқ олтин» олинди ва ялпи ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғи машинада терилди. Ўғилжоннинг ўзи «зангори кема»да 130 тонна пахта терди.

Етиштирилган пахта қўл билан терилганда 5123 сўм пул сарфланар эди. Машинада терилгани учун ҳаммаси бўлиб 822 сўм сарфланди, холос. Шунинг натижасида 1964 йилда бир центнер пахтанинг таннархи 20 сўм 86 тийинга тўғри келган бўлса, 1965 йилда 10 сўм 30 тийинга тушди.

Хўш, Ўғилжон Нуруллаева бошлиқ бригада эришган муваффақиятларнинг сири нимада? Бу саволга жавобни бригадирнинг ўзидан эшитамиз.

— Ерни тўйдирсанг, дейди халқимиз, — ҳосилнинг чегараси бўлмайди. Биз шунга амал қилиб, аввал ерни текислаб, пасти-баландини олдик. Ҳар гектар ерга 10-12 тоннадан маҳаллий ўғит солдик. Зах сувларни қочирдик, ернинг шўрини ювдик. Ҳайдашдан олдин фосфор ўғитлари йиллик нормасининг 60 процентини солиб, чуқур шудгор қилдик. Чигитни эрта экиб, текис ундириб олдик. Ёзда ғўзани меҳр билан парвариш қилдик, уни серҳосил қилиб ўстирдик.

Колхоз пахтакорлари ўтган йили 1300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37,4 центнердан «оқ олтин» етказиб, катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ҳосилдорлик қарийб 5 центнер ошди. Қўлга киритилган бу ажойиб ғалабаларда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган механизатор коммунист Ўғилжон Нуруллаева бошлиқ бригада аъзоларининг муносиб ҳиссаси бор. Ҳозир улар КПСС XXIII съезди шарафига мусобақани қизитиб, вақтида сифатли шудгорланган ерга маҳаллий ўғит чиқариб тўкмоқдалар. Ариқ ва зовурлар тозаланди. Қишлоқ хўжалик машиналари ремонт қилиняпти. Бригада аъзолари 1966 йилда ҳар гектар ердан 60 центнер «оқ олтин» етиштириш иштиёқи билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

А. РАҲМОНОВ.

Хива районидаги «Тошкент» колхози.

ТАРАДДУД

Ҳозир қиш мавсуми, лекин Гулистон районидаги «Коммунизм» колхозида кузги ташвишлар бошланди — пахта териш машиналари ремонт қилинмоқда. Бу ерда кўкламги экишга тайёргарлик қандай бораётир? Колхозда тракторлар ҳам, бороналар ҳам, сеялкалар ҳам ремонтдан чиқарилди. Устахонада қиш мавсуми учун тузилган иш графиги муддатидан анча олдин бажарилди. Чунки бу ерда йиғим-терим ишлари тамом бўлмасданоқ, ремонт тўғрисида ғамхўрлик қилинди — зарур деталларнинг ҳаммаси ўз вақтида олиб келинди. Механизаторлар дала ишларидан бўшаганларидан кейин дарҳол машина-ускуналарни ремонт қилишга киришдилар.

Колхоз механизаторлари партия XXIII съезди очиладиган кунгача пахта териш машиналарининг ярмини ремонтдан чиқаришга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

АФҒОНИСТОН БОШ МИНИСТРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Афғонистон Бош Министри Муҳаммад Ҳошим Мейвандвал Совет ҳукуматининг таклифига биноан, 1 февралда расмий визит билан Москвага келди

Афғонистон ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ҳурматли меҳмонни СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Ефремов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).

ҲИССА

МОСКВАЛИК ВА ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР ИЗИДАН

◆ ◆

Қўқондаги саноат корхоналарининг коллективлари беш йилликнинг дастлабки кунлариданоқ янгидан-янги зафарларни қўлга киритмоқдалар. «Большевик» механика заводи химия ва нефть саноати эҳтиёжлари учун зарур турли арматура, газ баллонлари, цистерналар, пахта тозалаш саноати учун қуритиш-тозалаш ускуналари етказиб берадиган бирдан-бир корхона ҳисобланади Завод коллективи етти йилликнинг сўнгги йили топшириқларини муддатидан илгари шараф билан адо этди: йиллик план 101,2 процент бажарилди. Пландан ташқари 61 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Коммунист Олег Долбилкин бошлиқ қозон пайвандлаш цехининг азамат ишчилари жонажон партиямизнинг навбатдаги съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётирлар. Цехда меҳнат қилаётган қўли гул баҳодирлар бу йил 165 мингта баллон ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар.

Завод бу йил ёқилғи сақлаш учун мўлжалланган 700 та улкан баклар етказиб беради. Биринчи квартал ичида ака-ука Биковлар яратган пахта қуритиш сушилкаларидан 36 таси конвейердан тушади. Собиржон Шокиров, Убайдулла Ҳамидов, Владимир Кулик, Исломқул Аҳмедов, Геннадий Лобанов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг серғайрат ишчилари бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Ташаббуснинг қаноти бор, дейдилар. Заводнинг ҳар бир ишчиси, инженер-техник ходими хом ашё ва бошқа материаллардан тежаб-тергаб, унумли фойдаланишга жиддий аҳамият беряпти. Москва ва Ленинград шаҳарлари саноат корхоналари коллективларининг металл ва бошқа материалларни иқтисод қилиш, тежаб қолинган материаллар ҳисобига қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан бошлаб берган ажойиб ватанпарварлик ташаббусини Қўқондаги саноат корхоналари, жумладан «Большевик» механика заводи коллективи якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

— Москвалик ва ленинградлик касбдош биродарларимиз чақириғига бажонидил қўшилдик, — дейди завод бош инженери Муҳаммаджон Акбаров.— Бу олижаноб ташаббус коллективимизда кун сайин кенг қулоч ёйиб, меҳнат унумдорлигини ошириб юборяпти.

Заводда ихтирочилар ва рационализаторлар сафи тобора кенгаймоқда. Ижодкорлар киритган қимматли таклифларни амалга ошириш ўтган йил 147 тонна металлни тежаб қолиш имконини берди. Ҳусанбоев, Долбилкин, Боченков каби ташаббускор ихтирочиларимиз тавсия этган таклифлар ҳисобига 50 тонна металл тежаб қолинди. Шокиров, Лобанов, Кузнецов ўртоқлар ҳам металл ва бошқа материаллардан тежаб-тергаб фойдаланишга катта ҳисса қўшяптилар.

Йил охиригача хом ашёни тежаб-тергаб ишлатиш ҳисобига 40 тонна металл, нест-нобуд қилмай ишлатиш ҳисобига 50 кубометр ёғоч, ёғоч чиқиндиларидан фойдаланиш ҳисобига эса 15 минг сўмлик маблағ иқтисод қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари планга қўшимча тежаб қолинган материаллардан 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Йил мобайнида ишлаб чиқаришга жорий этилган таклифлар эвазига 20 минг сўм тежаб қолинади.

Ҳ. ТОЖИБОЕВ,

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Сурхондарё область маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари қабул қилинган қарорларнинг ижросини қандай контроль қилмоқдалар? Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлисида ана шу масала муҳокама қилинди.

Областдаги маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари кейинги вақтларда ана шу муҳим ишга диққат-эътиборни кучайтирганликлари қайд қилиб ўтилди. Область ижроия комитети ҳамда баъзи шаҳар ва район ижроия комитетлари, шунингдек маҳаллий Советларнинг доимий комиссиялари ўз мажлисларида илгари қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисида бўлимлар ва бошқармаларнинг ,корхона ва ташкилотларнинг ҳисоботларини вақти-вақти билан муҳокама қилиб турадилар.

Бироқ, айрим ижроия комитетлар қарорларни бажариш соҳасида кундалик ташкилотчилик ишини олиб бориш ўрнига кўпинча ҳар хил мажлислар ўтказиш, янги қарорлар қабул қилиш билан шуғулланадилар, ана шу қабул қилинган қарорларнинг ижросини эса, контроль қилмайдилар. Ижроия комитетлар бирон тадбирни белгилаганларида ҳолда масъул ижрочиларни камдан-кам йиғадилар, бу ижрочилар ишни қандай бажараётганликларини сўнгра текширмайдилар, уларга ўз вақтида зарур ёрдам кўрсатмайдилар. Сессияларда қабул қилинган қарорларнинг ижроси тўғрисида бир қанча советларда депутатлар хабардор қилинмайди. Область ижроия комитети ва район ижроия комитетларининг ходимлари жойларда бўлган вақтларида илгари берилган кўрсатмалар қандай амалга оширилаётганлиги билан ҳамма вақт ҳам қизиқа бермайдилар.

Иш натижаларини эълон қилиб туриш — топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Лекин маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетларининг қарорлари газеталарда камдан-кам эълон қилинади, баъзан эса, шу қарорлар бевосита дахлдор бўлган ташкилотлар ва муассасаларга етказилмайди. Баъзан қарорлар конкрет ёзилмайди, ҳақиқатда бирон кишига мажбурият юкламайдиган умумий бандлардан иборат бўлади. Бундай қарорларнинг зарур самара бермаслиги табиийдир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Сурхондарё область ижроия комитетига маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари иш услуби ва методларида аниқланган камчиликларни тугатиш мажбуриятини юклади. Қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши учун ижроия комитет раҳбарларининг масъулиятини оширишга қаратилган бир қанча тадбирлар белгиланди.

Республика Олий Совети Президиуми шу мажлиснинг ўзида болаларни боқиш учун маблағ (алимент) ундириб олиш тўғрисидаги суд қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ахборотни ҳам тинглади.

Республика Олий судига, Жамоат тартибини сақлаш министрлигига ва прокуратурага меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига алимент ундириб олиш устидан контролни кучайтириш таклиф қилинди. (ЎзТАГ).

ТАСС АХБОРОТИ

«ЛУНА-9» КОСМОСДА

1966 йил 31 январда Совет Иттифоқида «Луна-9» автоматик станцияси учирилди.

Станцияга илмий, телеметрик ва бошқа ўлчов аппаратлари ўрнатилган бўлиб, бу аппаратлар учиш программасига мувофиқ ҳамда ердан берилган буйруқлар асосида автоматик суратда ишга тушади.

Станциянинг парвозини ердаги махсус ўлчов комплекси кузатиб туради.

Ўлчовларни ишлаб чиқишнинг дастлабки натижалари шуни кўрсатмоқдаки, станция мўлжалдагига яқин траектория бўйлаб ой томонга учиб бормоқда. Станцияга ўрнатилган ҳамма аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Координациялаш — ҳисоблаш марказининг маълумотларига кўра, 1966 йил 31 январь Москва вақти билан соат 18 да «Луна-9» станцияси Ердан 34 минг 130 километр узоқлашиб, Ер юзасининг координатлари шимолий кенгликнинг 49 градус 30 минути ва шарқий узунликнинг 74 градусидан иборат бўлган нуқтаси устида учди.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

АҚШ авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг территориясини ваҳшиёна бомбардимон қилишни 31 январда яна бошлаб юборди. Донг-Хой ва Винь шаҳарларига ҳамда аҳоли яшайдиган бошқа пунктларга бомбалар ташланди.

Америка авиацияси Шимолий Вьетнамнинг тинч шаҳарлари ва қишлоқларига осмондан қилинаётган ҳужумларни яна бошлаб юборганлиги, айни маҳалда Жанубий Вьетнамдаги уруш ҳаракатлари кенг миқёсда авж олдирилаётганлиги халқаро вазиятни тағин ҳам кўп даражада кескинлаштирмоқда.

Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати Вьетнамдаги урушни тўхтатишга интилиб, Вьетнам проблемасини Вьетнам халқи манфаатларига мос бўлиб тушадиган тарзда адолатли йўл билан ҳал этишга тайёр турганлигини яқинда яна бир карра намойиш қилиб кўрсатди. Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти ўртоқ Хо Ши Мин январнинг охирида жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқларига мактуб юбориб, бундай деди: башарти, АҚШ ҳукумати масалани тинч бартараф этишни амалда истаса, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг 4 моддадан иборат позициясини таниши ва буни конкрет ишлар билан исботлаши; АҚШ ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни ва унга қарши барча бошқа уруш ҳаракатларини бутунлай ва ҳеч қандай шартлар қўймасдан тўхтатиши лозим. Фақат шу тахлитда Вьетнам масаласини сиёсий жиҳатдан ҳал этишни назарда тутиш мумкин.

Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг территориясига осмондан қилинаётган ҳужумларни ана шу давлатнинг бошлиғи янги ташаббус билан чиққач, икки кундан кейин яна бошлаб юборганлиги шундан далолат бериб турибдики, АҚШ ҳақиқатда Вьетнамдаги урушни тўхтатишни хоҳламайди, унинг «тинчлик ташаббуси» деган ҳаракатлари эса жаҳон афкор оммасини чалғитиш ҳамда Вьетнам халқига қарши агрессияни янада кенгайтиришга ҳозирлик кўриш мақсадида ишга солинган дипломатик найрангдир.

Зотан, АҚШ ўзи айтаётганидек, тинчлик ўрнатишни хоҳласа, бомбардимонларнинг яна бошлаб юборилиши Вьетнамдаги аҳволни сиёсий жиҳатдан бартараф этишга қулайлик туғдирадиган вазиятни вужудга келтириш методи бўладими, ахир? АҚШ ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасининг позициясига қандай баҳо бераётганлигидан қатъи назар, халқаро ҳуқуқ принципларини, инсоний ахлоқнинг элементар нормаларини топтаётган янги агрессия ҳаракатларини ҳеч бир нарса билан оқлаб бўлмайди.

Вьетнам халқининг ўз миллий озодлиги учун олиб бораётган кураши бутун прогрессив инсониятнинг жонажон ишидир. Курашаётган Вьетнамга ёрдам кўрсатиш учун барча социалистик мамлакатларнинг, жаҳондаги барча антиимпериалистик ва прогрессив кучларнинг амалий ҳаракатларини бирлаштириш жуда катта аҳамият касб этмоқда. Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Вьетнам Демократик Республикасига зарур бўлган ёрдам ва мададни бундан буён ҳам кўрсата беради.

Вьетнамдаги уруш учун, Вьетнам халқига қарши қилинаётган янги агрессия ҳаракатлари учун жавобгар бўлган АҚШдаги доиралар янглишиб юрмасинлар! Улар Вьетнам халқининг иродасини, унинг ўз Ватани озодлиги, мустақиллиги ва бирлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш йўлидаги азми қарорини синдира олмайдилар. Американинг Вьетнамга қарши агрессияси муқаррар суратда ҳалокатга учрайди. Вьетнам халқи қаҳрамонона ҳимоя қилаётган ҳаққоний иш тантана қилади, бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КАТТА ТАЯНЧ

А. ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон КП Андижон область комитетининг биринчи секретари.

Деҳқоннинг юмуши кўп. У бутун йил бўйи изланади, тер тўкади. Шу изланишда нимаики умумий ишимиз учун фойдали деб билса, уни ўртага ташлайди, бу ҳақда коллектив бўлиб маслаҳатлашади, тажрибада синаб кўради. Айни вақтда фан, техника ютуқлари ва бошқаларнинг тажрибасини ҳам ўрганади.

Мен бу мақолада ҳозир областимиз хўжаликларида тобора кенг қулоч ёйиб бораётган бригада (ферма) советлари тўғрисида фикр юритмоқчиман.

Колхозларда бригада (ферма) советларининг тузилиши қандай амалий талаблар асосида рўй берди? Даставвал шуни айтиш керакки, колхозлар йириклаштирилгач, уларнинг ишлаб чиқариш участкалари марказдан анча узоқ бўлиб қолди. Бу эса, меҳнатни тўғри ташкил этиш, меҳнаткашлар ўртасида ташкилотчилик ишлари олиб бориш ва мусобақага раҳбарлик қилишда бирталай қийинчиликларни туғдирди. Шунингдек, бригадалар ҳам анча йириклаштирилди, улар олдига қўйилган талаблар ҳам ортиб кетди. Шундай шароитда бригада ва фермаларда колхоз партия ташкилотлари ва правлениеларига таяниб иш олиб борадиган коллегиал органлар тузиш зарурати туғилди. Шундай қилиб, бригада советлари ташкил этила бошланди.

Областимизда дастлабки бригада советлари 1964 йил баҳорида тузилди. Тўғри, дастлабки вақтларда бундай советларни тузишда қатор камчиликларга йўл қўйилди.

◆ ◆

Баъзан унга етарли эътибор берилмади. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, бригада (ферма) советларининг тузилиши ўзининг ҳаётий тадбир эканлигини кўрсатди. Район партия комитетлари, шунингдек хўжаликларнинг партия ташкилотлари актив бош қўшгандан кейин бригада советларининг фаолияти янада кучайди ва уни ташкил этиш оммавий ҳаракатга айланиб кетди. Ҳозир бригада советларининг ишига доир масалалар район партия комитетларининг бюролари, колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилотларининг мажлисларида тез-тез муҳокама қилинадиган, уларнинг фаолияти аниқ мақсадга йўналтириб туриладиган бўлиб қолди.

Хўжаликни бошқаришда, унинг экономикасини мустаҳкамлаш ва резервларни қидириб топиш, уни ишга солишда, коллектив аъзоларини коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси руҳида тарбиялаш учун курашда колхоз партия ташкилотлари ва колхоз правлениеларининг катта таянчига айланиб қолган бригада советлари эндиликда ўзининг намунавий Низомига эгадир. Область партия комитети ва область ижроия комитети томонидан маъқулланган бу Низомда бригада советларининг умумий принципиал вазифалари ва ҳуқуқлари конкрет баён қилингандир.

Низомга кўра, бригада совети коллектив аъзоларининг умумий йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан 5-9 кишидан иборат бир йил муддатга сайланади. Совет составига бригада бошлиғи ёки ферма мудири киради ва у советнинг раиси бўлади. Унинг аъзолари қилиб ишлаб чиқариш ва жамоат ишларида ўзини кўрсатган обрўли кишилар, шунингдек катта турмуш тажрибасига эга бўлган пенсионерлар сайланади.

Совет ўз фаолиятида бригада коллективининг умумий йиғилишига итоат қилади ва бригада бошланғич партия ташкилоти, колхоз партия ташкилоти ва колхоз правлениеси раҳбарлиги остида ишлайди. Ҳар ойда икки марта совет йиғилиши ўтказиб турилади.

Бригада советининг асосий вазифаси партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирларини амалга ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, барча бригада аъзоларини коллектив олдидаги план ва мажбуриятларни бажаришга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун курашга сафарбар этиш, бригада аъзолари меҳнатининг тўғри ҳисобга олинишини ва рағбатлантирилиши устидан назорат қилиб туришдан иборатдир.

Бундан ташқари, совет яхши ишлаётган кишиларни «Ҳурмат тахтаси» ва «Ҳурмат китоби»га ёзиш, мукофотлаш учун тавсия этади. У, кишиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги табелни ҳам тасдиқлайди. Ҳар бир кишининг коммунистчасига яшаш ва ишлаш юзасидан олган мажбуриятларини қандай бажараётганини кузатиб боради, коллектив аъзоларининг ўз болаларининг ўқиши, тарбияси тўғрисида қандай ғамхўрлик қилаётганига эътибор беради.

Областимизда ана шундай вазифаларни муваффақият билан амалга ошираётган бригада советлари анчагина бор. Бу жиҳатдан Ленин районидаги «Правда Востока» колхози партия ташкилотининг иши айниқса диққатга лойиқдир. Партия ташкилоти ва колхоз правлениеси бригада советининг ролини ошириш соҳасида бой тажриба тўпладилар.

Бу йирик колхозда 44 бригада ва ферма совети тузилган. Улар бутун фаолиятини меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишда юз берган нуқсонларни бартараф этиш, социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат ҳаракатини авж олдириш, кишиларда дўстлик, инсонпарварлик, ишда ва оилада бир-бирини ҳурмат қилиш, шахсий манфаатдан коллектив манфаатини устун қўйиш сингари фазилатларни тарбиялашга қаратмоқдалар.

Колхознинг коммунист Топиболди Мўминов бошлиқ бригадаси ишида советнинг роли, таъсири яққол сезилиб турибди. Советнинг яхши ишлаши туфайли бутун коллектив бригада ишининг чинакам жонкуяри бўлиб қолди. Бригадада ҳосилдорлик тобора ортиб бораётир. У ўтган йили 63 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» йиғиб олди. Бригада совети янги мавсум ҳосили учун курашда ҳам ибратли ишларни қилаётир. Советнинг кейинги мажлисларидан бирида кузги-қишки ишларнинг аҳволи ва ишни конвейер усулида ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди, ҳамда конкрет тадбирлар белгиланди. Натижада бригадада кузги шудгорлаш барвақт тамомланди. Шу нарса ҳам эътиборга лойиқки, бригада совети колхозчиларнинг ҳар хил ариза ва шикоятларини ҳам кўриб чиқади, унинг натижасини колхоз правлениесига етказиб, ижодий ҳал қилинишига эришади.

Чуст районидаги Навоий номли колхознинг Кийик Хонишев бошлиқ бригадаси совети ҳам ўз ишида бирмунча тажриба тўплади. Бригада совети қатъий план асосида иш кўради. Ҳар 15 кунда йиғилиш ўтказиб туради. Йиғилишларда бригада ҳаётига оид масалалар муҳокама қилинади ва қабул қилинган қарорлар ижроси тўғрисидаги ахборотлар тингланади. Шу асосда бригада аъзоларининг куч-ғайратлари ҳосилдорликни ошириш, деҳқончилик маданиятини тобора юксалтира боришга сафарбар этилади. Бу ўз самарасини бераётир. Бригада ўтган йили 116 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 31,3 центнер ўрнига 46 центнердан ҳосил кўтарди. Ҳозир қишки тадбирлар муваффақиятли ўтказилаётир.

Ҳозир областимиз меҳнаткашлари агрозоотехника билимини олмоқдалар. Биргина ўтган йилнинг ўзида 58 минг 862 киши агрозоотехника курсларида ўқиди. Колхозчиларни бундай курс ва шунингдек кечки мактабларга жалб этишда ҳам бригада советлари актив фаолият кўрсатишяпти. Бу соҳада Қўрғонтепа районидаги «Победа» колхози бригада ва ферма советларининг иши ибратлидир. Колхозда 92 киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки мактабларда, 8 киши институт ва техникумларда ўқимоқда. Бундан ташқари, колхозда пахтачилик, чорвачилик ва механизация факультетларидан иборат қишлоқ хўжалик билимларини ўрганиш университети ишлаб турибди. Бунга эса 175 киши тортилган. Колхозчиларнинг ўқиши советлар томонидан текшириб турилади. Ҳамма дала шийпонларида колхозчиларнинг болаларини ўқишда олган баҳоларини акс эттирувчи экранлар ташкил этилган. Агар бригадада бирон кишининг боласи яхши ўқимаса ёки мактабда интизомни бузса, бу ҳол шу боланинг ота-онаси иштирокида бригада советининг йиғилишида муҳокама қилинади ва тегишли тадбирлар белгиланади.

Коммунизмнинг муҳташам биноси тобора қад кўтараётган ҳозирги шароитда бутун мамлакатдаги сингари областимиз меҳнаткашларининг турмуш ва маданияти ҳам йил сайин яхшиланиб боряпти. Лекин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленумида таъкидланганидек, аҳолининг баъзи бир қисми ўртасида, хусусан қишлоқ жойларда турмуш маданияти ҳали орқада қолмоқда. Яхши турмуш кечириш — яхши еб-ичишгина эмас, балки маданий ҳаёт кечиришдан иборатдир. Бу масала ҳам бригада советларининг диққат марказида турибди. Москва районидаги Киров номли, Избоскан районидаги Охунбобоев номли колхозларнинг бригада советлари турмуш маданияти университетлари тузиш тўғрисида таклиф киритдилар. Бу таклиф партия ташкилоти ва колхоз правлениеси томонидан маъқулланди. Бу университетлар қишлоқ аҳолиси, айниқса хотин-қизлар ўртасида турмушни коммунистик асосларда ташкил этишнинг чинакам тарғиботчилари ролини ўйнамоқда. Ҳозир областимизда 17 та шундай университет ишлаб турибди.

Турмуш маданиятини юксалтириш—эскилик сарқитларига, диний хурофотларга қарши муросасиз кураш олиб боришни тақозо қилади. Айрим қишлоқларда тўйлардаги исрофгарчиликларга мутлақо чидаб бўлмайди. Тўйга совға олиб бориб, ундан кўра кўпроқ совға билан қайтиш расм бўлиб қолган. Бундай кўнгилсиз ҳолларга қарши кураш бригада советларининг фаолиятида тобора кўпроқ ўринни эгалламоқда. Советлар никоҳ тўйларини ўтказишга бошчилик қилмоқдалар. Тўйлар ортиқча харажатларсиз, камтарона, лекин маданий ўтказилиб, узоқ эсда сақланадиган қилиб ўтказилаётир. Юқорида тилга олинган Охунбобоев номли колхозда бригада советларининг ташаббуси билан никоҳ гувоҳномаси тантанали вазиятда топширилаётир. Бу ердаги клуб «Бахт уйи» деб эълон қилинди. Никоҳ гувоҳномаси ана шу уйда куёв ва келиннинг дўстлари, дугоналари иштирокида топширилади.

Хўжаобод районида ўтган йилнинг ўзида 50 дан ортиқ комсомол тўйи ўтказилди. Янгича тўйларни ўтказишда шу райондаги «Ленинизм» ва «Коммунизм», Ленин районидаги «Коммунизм», Янгиқўрғон районидаги «Ленинизм» колхозларининг бригада ва советлари яхши фаолият кўрсатаётирлар.

Шунингдек, советлар Совет Армияси сафига, пенсияга узатиш ва бошқа янги маросимларни ўтказишда ҳам партия ташкилотларининг яқин ёрдамчилари ва катта таянчларига айланиб қолдилар.

Ҳозир областимизнинг ҳамма жойида бригада советларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда. Уларда бригада советларининг раислари бир йил ичида советнинг қилган иши ҳақида ўз коллективи олдида ҳисоб бермоқда. Кўпгина бригада советлари ўз ҳисобот-сайлов йиғилишларида ана шу масалалар билан бир қаторда шу куннинг бошқа энг актуал масалаларини ҳам қўшиб муҳокама қилмоқдалар.

Область партия комитети ва жойлардаги партия ташкилотлари бригада советларининг ишларини янада яхшилаш учун барча зарур тадбирларни кўрадилар, советларнинг колхозчилар билан алоқасини мустаҳкамлайдилар. Уларни 1966 йил планларини ҳам муваффақиятли адо этиш учун курашга оммани сафарбар этишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, коммунистик меҳнат ҳаракатини ҳар томонлама авж олдиришда партия ташкилотларининг ҳақиқий таянчларига айлантирадилар.

ГАЗЕТХОНЛАР МУЛОҲАЗАСИ:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 22 январь сонида «Ичкиликбозликни қонун билан тийайлик» сарлавҳали мақола босилиб чиққач, редакция газетхонлардан кўплаб хатлар ола бошлади. Турли касб ва ёшдаги кишилар ўз хатларида ичувчиларни қаттиқроқ тадбир билан тийиб қўйиш лозимлигини маъқуллайдилар. Қуйида шу хатлардан баъзиларини келтирамиз:

КОРИ ЗИЁН

Мен кўпдан буён ичкиликбозларни қаттиқроқ жазолаш кераклиги тўғрисида ўйлаб юрар эдим. Негаки, баъзи ҳамқишлоқларимнинг кўп ичиб, жиноят қилиб юришлари жиғимга тегарди. Ичкиликбозлик фалокатнинг бошидир.

1965 йилнинг ёз ойлари эди. Тельман номли колхознинг тракторчиси Собиржон Салимов бир куни кечқурун ашинка чиқиб кетганча уйига қайтиб келмади. Эртасига милиция ходимлари ёрдамида унинг жасади топилди. Аниқланишича, Собиржон қаттиқ ичиб, ўзини ўнглаб ололмай ариққа тушиб кетган экан.

Шу колхозлик Муродилла Турғуновни айтмайсизми. У кайф билан тез келаётган автобусни тўхтатмоқчи бўлган. Шофер ҳар қанча ҳаракат қилмасин бахтсиз ҳодисанинг олдини ололмай қолган.

Ичкиликбозликнинг олдини олиш жуда зарур. Шунингдек, ичкиликбозликни рағбатлантирадиган кишиларни ҳам жиноий жавобгарликка тортиш лозим. Менинг бир қўшним бор. Ўзи беш фарзанднинг отаси. Шунга қарамасдан ҳар куни ичиб юради. Агар бирон киши унга бу қилмиши номаъқул эканлигини айтса «Рўзғордан камчилик бўлмагандан кейин ичиш керак-да» деб жавоб беради. Бошқаларни ҳам ичишга ундайди. Қани ўзингиз айтингчи, шу тўғрими?!

Мен оддий колхозчиман. Агар ўқиган, ҳаёт тажрибаси кўп ўртоқлар, адлия ходимлари маъқул топса, доим ичиб юрадиган кишиларни ҳам қонун билан тийишни сўрайман.

М. ТЎРАЕВ.
Андижон область, Янгиқўрғон райони.

ҲУШЁР БЎЛИНГ

Ҳаётимизда қувончли воқеалар кўп. Лекин баъзида кишини хафа қиладиган ҳодисалар ҳам учраб туради. Ниёзали қишлоғида 1961 йилда бўлиб ўтган бир фожиа сира эсимдан чиқмайди. Бу ерда яшайдиган Мирвали ака оиласида жанжал чиқади. Бу ишга Рўзи исмли киши аралашиб, жанжални улғайтириб юборади. Ниҳоят Рўзи бир куни ичиб олиб Мирвалининг жонига суиқасд қилмоқчи бўлади. Мирвали бу ҳақда Сирдарё район милиция бўлимига хабар қилади. Милиция ходимлари жиноятнинг олдини олишга етарли эътибор бермайдилар, ҳушёрлик қилмайдилар. Натижада Рўзи Мирвали деб Сотиболди исмли кишига ўқ узади. Қотил бу ишга маст ҳолда қўл уради. Бизнингча, агар милиция ходимлари Рўзи тўғрисидаги хабарга етарли эътибор бериб, унинг ичкилик ичиб, безорилик қилиб юришига ўз вақтида қаттиқроқ чора кўрганларида, бир бегуноҳ ҳаёт билан видолашмаган бўлур эди.

Биз ҳам «Ичкиликбозликни қонун билан тийайлик» сарлавҳали мақолада илгари сурилган фикрга қўшилиб, ичкиликбоз кишиларга нисбатан қатъийроқ чора кўрилишини ва бу ҳақдаги қонунларни мукаммаллаштиришни таклиф қиламиз.

О. ЭРГАШЕВ,
Сирдарё районидаги «Правда» колхози комсомол комитетининг секретари.

ЎТИРИШНИНГ «ФАЙЗИ» ЭМИШ

Бир нарсага ҳайронман. Баъзи кишилар ёшларга ичмасликни айтадилар, унинг киши соғлигига зарарли эканлигини уқтириб юрадилар. Айниқса, ўқитувчилар, врачлар шундай қилишади. Амалда эса улардан баъзилари ўзлари ичкиликни кўрсалар симиравeрадилар. Ўтган йилнинг ноябрида шундай воқеа юз берди. Рапқон қишлоқ Советидаги мактабнинг олий маълумотли физика-математика ўқитувчиси уйга маст бўлиб келди. Рафиқасини қаттиқ ҳақоратлади. Умр йўлдоши, соғ вақтингизда ҳаммага ичмасликни буюрасиз, нега энди ўзингиз ичасиз, депти. Бу гап ўқитувчи Садриддин Сотиболдиевга ёқмаган. У жанжални авжига чиқарган. Мактаб коллективи бундан хабар топса ҳам вақтида чора кўрмаган ва ундан қонун олдида жавоб беришини талаб қилмаган. Натижада оила бузилиб кетди.

Биз, мулланинг айтганини қил, қилганини қилма, қабилида иш тутадиган С. Сотиболдиев каби ичкиликбоз, ўтиришларда ичкиликни «файз» киритади, деб кўпайтирадиган шахсларга нисбатан ҳам тегишли чора кўрилишини таклиф қиламиз.

Шу билан бирга ичкиликбозларга нисбатан каттароқ жарима солинишини ҳам ўйлаб кўриш лозим.

М. ҲАСАНОВ,
Ўқитувчи, Фарғона область, Киров райони.

ШАРАФЛИ КАСБ

(ХАТЛАРДАН)

Совет ўқитувчиси ҳар томонлама пухта, чуқур билим, юксак маданият эгаси. Ўзининг ўткир ақл-идроки, ижодий меҳнати, кашфиётлари билан фан ва техникамизнинг куч-қудратини ошираётган, қўриқ ерларни боғ-бўстонга айлантираётган, фазо сирларини ўрганаётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам совет ўқитувчиси қўлида тарбия олган

Редакцияга ҳар куни ана шундай қўли гул, қалби пок мураббийлар ҳақида хат-хабарлар келиб туради.

— Ўқитувчи, муаллим! Дилдан жаранглаб чиққан бу қисқа, лекин мазмундор сўз киши қалбидан мангу жой олади. Чунки инсон ҳаётида, унинг камол топишида ўқитувчининг хизмати беқиёс улуғ ва чексиздир, — деб ёзишади Самарқандлик Р. Арапбоев ва И. Раупов ўртоқлар. — Шаҳардаги Алишер Навоий номли 10-мактабнинг химия ўқитувчиси Раҳмонберди Авезов ҳам ўз меҳнати билан шуҳрат топган педагоглардан. Жонкуяр ўқитувчи ёшларга билим беришда илғор усуллардан кенг фойдаланади, ҳар бир боланинг билимли ва жамиятнинг муносиб кишиси бўлиб етишуви учун ҳаракат қилади. Раҳмонберди ака ўзининг ҳозиржавоблиги, хушмуомалалиги, ишчанлиги билан ёш ўқитувчиларга ҳам ижобий таъсир кўрсатяпти. Отахон педагог 43 йилдан бери ўқитувчилик қилиш билан бирга жамоат ишларига ҳам актив қатнашади. У 1948 йилдан бери область «Билим» жамиятининг аъзоси, мактаб химия-биология секциясининг бошлиғидир. Раҳмонберди аканинг «Қизиқарли химия» (методик қўлланма), «Мактабда химиявий асбоблар ясаш», «Химия дарсларида илмий-атеистик тарбия» каби қатор китоблари босилиб чиққан. Самарқандлик маорифчилар устози, меҳрибон ўқитувчи Р. Авезовнинг хизматларини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. У Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди, унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвони берилди.

Андижонлик қишлоқ мухбири И. Ўтбосаров Избоскан районидаги Ҳамид Олимжон номли мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Олимжон ака Йўлдошев ҳақида ҳикоя қилади. Кекса педагог 35 йилдан бери ёш авлодни тарбиялайди, уларнинг билимли ва ишчан бўлишлари учун ҳаракат қилади. Андижон районидаги Куйбишев номли колхознинг аъзоси С. Тожибоевнинг хати ҳам диққатга сазовордир. У «Ҳақиқат» колхози территориясидаги 50, 51-мактаблар қошида кечки-ёшлар мактаби очилгани ва уларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 60 дан ортиқ колхозчи ёшларнинг илм олаётгани ҳақида ҳикоя қилади.

Бошланғич синф умумий таълимнинг асосий пойдевори, замини. Бошланғич синфда берилган пухта билим, малака ўқувчиларнинг юқори синфда муваффақиятли ўқишини таъминлашда катта роль ўйнайди. Шунинг учун дарсларнинг юқори савияда ўтказилиши, айниқса рус тили, она тили, математика ва бошқа предметларни ўқитиш ва ўқитувчи кадрлар составининг сараланишига бошланғич синфда эътибор бериш керак.

Холбўта Нурматов касбини эъзозлайдиган, шарафлайдиган педагоглардан. У 28 йилдан бери Косон районидаги «Октябрь» ўрта мактабида бошланғич синфларни ўқитади. Унинг қўлида таълим олганлардан ҳозир фан кандидатлари, инженерлар, донгдор колхоз раислари етишди. Чунки у фақат ўқувчилар билангина ишламайди. Балки ота-оналар ўртасида ҳам тушунтириш олиб боради. Улар юрагига йўл топади. Холбўта ака ўз тажрибасини ёшларга ҳам ўргатяпти. Бу ҳақда газетхон О. Маматов ҳикоя қилади. Қашқадарёлик Б. Жабборов ва Ш. Маҳмудов ўртоқлар ҳам Қамаши, Яккабоғ райони мактабларида меҳрибон ўқитувчилар ҳақида илиқ гаплар ёзадилар

Фарғоналик газетхон С. Холматовнинг ёзишича, Ўзбекистон районидаги Карл Маркс номли мактабда жамоатчилик асосида ишлайдиган ота-оналар университети ташкил этилган бўлиб, у муваффақият билан ишламоқда. Университетда ўтказилаётган машғулотлар тингловчиларга жуда манзур бўляпти. Айниқса, «Мактаб ва оила», «Болани тарбиялашда жамоатчиликнинг роли» каби темалардаги суҳбатлар тингловчиларда чуқур таассурот қолдирган. «Яқинда Нурсух қишлоғининг меҳнаткашлари яна бир янгиликнинг шоҳиди бўлдилар, деб ёзади газетхон Х. Султонов, — бу ерда қишлоқ ота-оналарининг бола тарбиясига бағишланган биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари «Ёш авлодни тарбиялашда ота-онанинг роли», «Мактаб ва ота-оналар комитети» деган темалардаги суҳбатларни тингладилар ҳамда ўзаро фикр алмашдилар».

Хоразмлик Ш. Жуманиёзов, Н. Эшматова, Фарғоналик И. Жалилов, оддий солдат А. Мамадалиев, тошкентлик А. Эргашев, А. Кўчиев ўртоқлар ҳам шарафли касб эгалари-ўқитувчилар ҳақида қалам тебратганлар.

Суратда: Охунбобоев номли Тошкент пахта тозалаш заводининг лаборантларидан Шарифа Ниёзова (чапдан) ва Нина Шишова ўртоқлар. Бу завод коллективи кўклам экиш кампаниясига уруғлик чигит тайёрламоқда. Завод азаматлари ҳаммаси бўлиб 7.162 тонна уруғлик чигит тайёрлаб берадилар.

Фото лавҳалар

Сирдарё области. Жиззах шаҳридаги қурилиш материаллари заводи коллективи КПСС XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Сиз ўнгдаги суратда шу корхонанинг пешқадам ишчиларидан бири Эргаш Ортиқовни кўриб турибсиз. У заводда кўп йиллардан бери самарали ишлаб келмоқда.

И. Глауберзон ва А. Тўраев фотолари.

ТЕАТР

,,ЗУЛМАТДАН

(НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИНИНГ ЯНГИ СПЕКТАКЛИ)

◆ ◆

Ойбекнинг машҳур «Қутлуғ қон» романида кўтарилган муҳим ижтимоий проблемалар, яратилган жонли образлар, ўз аксини топган ҳаётий воқеалар биргина кенг китобхон оммасини эмас, санъаткорларимизни ҳам чуқур ҳаяжонга солиб келмоқда. Шу асар асосида яратилган драма, кинофильм ва ниҳоят опера бунинг ёрқин далилидир.

Маълумки, опера — музика ҳамда театр санъатининг энг юксак ва мураккаб жанридир. Шунинг учун ҳам у композитор ва драматургдан музика ҳамда театр санъати қонуниятини чуқур билишни, катта маҳоратни, шунингдек масъулиятни талаб қилади. Саҳналаштирилган «Зулматдан зиё» операси, унинг авторлари-композитор Рашид Ҳамроев ва либретточи Тўроб Тўла ана шу талабларни чуқур англаган ҳолда опера жанрида ўзларининг тўнғич асарларини ёзишга киришганликларидан далолат беради.

«Қутлуғ қон» романида турли темалар, ҳаяжонли харктерлар, қизиқарли, сермазмун воқеалар ниҳоятда кўп. Қайси бирини танлаб олишга ҳайрон бўласан, киши. Тўроб Тўла мавжуд бой материалдан опера учун мансуб бўла оладиган қаҳрамон ва улар билан боғлиқ бўлган энг муҳим воқеаларни моҳирона танлай олган. Бунинг диқатга сазовор томони шундаки, либреттода романнинг асосий ғоявий йўналиши — Октябрь революцияси арафасида кенг меҳнаткашлар оммаси онгига миллий озодлик ғояларининг тобора сингиб бораётганлиги, ишчи ва деҳқонлар орасида революцион кучларнинг шаклланаётганлиги ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Либретто композицион тузилиши жиҳатидан, умуман олганда яхши ишланган. Лекин унда айрим ортиқчаликлар ҳам бор. Фикримизча, иккинчи кўриниш (тўлалигича), учинчи ва тўртинчи кўринишларда Нурия билан Йўлчи саҳналари, олтинчи кўринишда Салимбойвачча томонидан Гулнорнинг ўғирланиши эпизоди ортиқчадир. Улар характерлар ва воқеаларнинг ривожи, операда кўтарилган ижтимоий проблеманинг ҳал қилиниши учун хизмат қилмайди. Аксинча, асарнинг умумий бадиий ва ғоявий яхлитлигига путур етказиб турибди.

Операнинг музикаси ўзининг ёзилиш услуби, шакли билан аввал яратилган опералардан анча фарқ қилади.

Ўзбек операси яратилган дастлабки даврда маҳаллий кадрлардан етук профессионал композиторлар, солист ва музикантлар етишмаганлигини, опера жанри ўзбек халқи учун ҳали янгилик бўлганлигини эътиборга олиб, миллий опера яратишда халқимиз орасида кенг оммалашган куйлардан тўғридан-тўғри фойдаланилди. Бу услуб, яъни тайёр куйларнинг операга цитата қилиб олиниши — ўша давр учун тарихан тўғри бўлган. Кейинчалик республикамизда миллий профессионал кадрлар етишиб чиққандан сўнг, хусусан «Майсаранинг иши» ва «Ҳамза» операларидан бошлаб, композиторларимиз бу услубдан воз кеча бошладилар. Р. Ҳамроевнинг асосий хизмати шундаки, у ўз асарини бошдан оёқ миллий интонация (оҳанг)лар асосига қурган.

Р. Ҳамроев музикани яратишда ўзига хос оригинал йўл тутганлиги операнинг шаклий тузилишида ҳам кўринади. Агар операни диққат билан кузатиб чиқсангиз, унда (Гулнор ариясидан мустасно) бирорта тугалланган арияни ва (охирги кўринишдаги ансамбль эътиборга олинмаса) дуэт, трио, квартет, хуллас ансамблларни учратмайсиз. Дастлаб, қараганда бу ҳол кишини таажжублантиради. Чунки тингловчининг қулоғи опералардаги ария ва ансамблларни эшитавериб ўрганиб қолган. Бунда ёш композитор ожизлик қилган деб ҳам бўлмайди. Чунончи, Гулнор арияси, ярми икки овозда, ярми унисон шаклда ёзилган, Йўлчи билан Гулнор дуэти (агар бу дуэт деб саналса), ниҳоят охирги кўринишдаги ансамблга қараганда композитор оҳангни ҳам, вокал санъатининг формаларини ҳам чуқур ҳис қилишини яққол кўрсатади.

Фикримизча, композитор операнинг музикасини ёзишда энг аввало жанр қоидаларидан эмас, балки асар моҳияти, ундаги ижтимоий проблемалар ва унинг революцион характеридан келиб чиққан. Операнинг мавзуи эса, айни вақтда композитордан илдам ва кескин ривожланадиган, ёрқин контрастга эга бўлган музикани талаб қилади. Шунинг учун ҳам композитор, гарчи ниҳоятда мураккаб бўлса ҳам, музикани ариоза шаклида ёзган. Борди-ю ҳар бир бош қаҳрамон ўртача икки-учтадан ария айтса, бунинг устига бир қанча ансамбллар киритилса: биринчидан — операнинг ҳажми кенгаяди, икки ярим соат эмас, энг камида беш соатга чўзилади. Бундан чиқдики, операнинг мавзуини ўзгартириш керак ёки формалардан воз кечиш керак. Агар операнинг мавзуи ўзгартирилса, унда кузатилган мақсад йўқолади. Шунинг учун композитор ария ва ансамбллардан деярли воз кечган; иккинчидан — драмада монолог ва диалоглар саҳна ҳаракатини, воқеалар ривожини қанчалик ушлаб турса, операда ҳам ария ва ансамбллар характер ва конфликтнинг ўсиб боришига тўсқинлик қилади. Мазкур операнинг мавзуи эса, доимий ҳаракатни, ривожни талаб қилади.

Мана шулар композиторнинг опера музикасини ёзишда тутган йўли тўғри деб айтишга асос бўла олади. Албатта бу операда ария ва ансамблларнинг мутлақо бўлмаслиги керак экан, деган гап эмас. Назаримизда бу асарнинг характерига ва тузилишига боғлиқдир.

Композитор музикани ариоза шаклида яратганлиги оркестрнинг фаолияти учун кенг йўл очиб берган. Авваллари кўпчилик ўзбек операларида (масалан: «Бўрон», «Фарҳод ва Ширин», «Дилором» ва бошқалар) оркестр четга чиқарилган бўлиб, фақат вокал ва хореографик номерларнинг оддий жўрчисига айлантирилган эди. Бунинг сабаби шу эдики, бу операларда ашула, ария, дуэт ва рақслар ҳаддан ташқари кўп бўлиб, оркестрнинг мустақил бадиий ифода воситаси сифатидаги иштироки ниҳоятда кам бўлган. Мазкур асарда эса, оркестр-операнинг фаол иштирокчиларидан бирига айланган.

РЕДАКТОРЛАР СЕМИНАРИ

Район газеталари редакторларининг уч кунлик семинари тамом бўлди. Семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими билан республика Журналистлар союзи чақирган эди. Семинар қатнашчилари қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг КПСС марказий комитети март Пленуми қарорларини амалга ошириш, партиянинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун олиб бораётган курашини матбуотда ёритиш билан боғлиқ бўлган бир қанча масалаларни муҳокама қилдилар.

Семинарда қишлоқ журналистларининг профессионал маҳоратини такомиллаштириш, КПСС марказий Комитети кейинги пленумларининг қарорлари асосида район газеталари редакцияларининг иш тажрибаларини ўртоқлашиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот давлат комитетининг раиси, республика Журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев ўз нутқида ўтказилган мунозарага якун ясади.

Семинар қатнашчиларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов қабул қилди. (ЎзТАГ).

Зомин районидаги «Қизил чорвадор» совхозининг чорвадорлари КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб, қишловни намунали ўтказиш, барча молларни қишдан соғлом олиб чиқиш учун курашмоқдалар. Бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 155 тадан қўзи олиш ҳақида сўз берган ёш чўпон Келдибек Туғалов чорвадорлар мусобақасида пешқадам бўлиб, ўз боқимидаги совлиқларни меҳр билан парвариш қилмоқда. Суратда: ўртоқ Келдибек Туғалов яйловда.

А. Тўраев фотоси.

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

КОЛХОЗЛАРДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИДА

□ □

КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленуми қарорлари колхоз ишлаб чиқаришини юксалтиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Пленум қарорларига мувофиқ колхоз ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини рентабелли қилиш, колхозчиларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар вужудга келди. Республикамиз колхозлари жуда катта миқдорда ёрдам олдилар. 1965 йили қолоқ колхозларнинг узоқ ва қисқа муддатли ссудалар бўйича давлатдан 28,3 миллион сўм қарзи кечиб юборилди. Улар кейинги уч йил мобайнида биринчи сортлар билан тайёрлаган пахтанинг ўртача миқдоридан зиёд сотган пахталари учун 110 миллион сўмдан кўпроқ қўшимча даромад олдилар. Шунингдек, колхозларнинг даромади дон ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархлари оширилганлиги туфайли ҳам анча кўпайди.

Буларнинг ҳаммаси колхозларнинг жамоат хўжалигини янада юксалтириш ва колхозчиларнинг иш ҳақи миқдорини ошириш имкониятини берди. Дастлабки маълумотларга қараганда, республика колхозлари 1965 йили 1964 йилдагига нисбатан 200 миллион сўмдан зиёд кўп даромад қилдилар.

Бундай шароитда колхозларда даромадни тўғри тақсимлаш хўжаликни янада юксалтириш ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда жамоат манфаатларининг колхозчилар шахсий манфаатлари билан мувофиқлигини таъминлашга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Ҳозирги вақтда республикамиз колхозларида қишлоқ хўжалик артели ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланган ҳисобот ва ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Шуни айтиш керакки, ҳисобот ва ҳисобот-сайловларини ўтказишга жиддий тайёргарлик кўриш лозим. Бу соҳада колхоз правлениелари ва тафтиш комиссиялари зиммасига жуда катта масъулият юклатилади. Чунки қўлга киритилган ютуқларга тўғри баҳо бериш, йўл қўйилган камчиликлар ва унинг сабабларини аниқлаш, қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш ҳолларини, жамоат мулкини ва маблағини талон-торож қилиш фактларини аниқлаш ҳамда айбдор кишиларнинг жавоб беришига эришиш асосан уларга боғлиқ.

Айниқса камқувват колхозларда ҳисобот йиғилишларини тўғри ўтказишга алоҳида эътибор бериш зарур. Агар область ва район қишлоқ хўжалик бошқармалари колхозларга актив амалий ёрдам кўрсатсалар ҳисобот ва ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишга яхши тайёргарлик кўриш ҳамда уларни юксак савияда ўтказишга эришиш мумкин. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари колхозларга 1965 йил натижаларини якунлаш ва 1966 йилда жамоат хўжалигини янада юксалтириш ҳамда мустаҳкамлаш тадбирларини тўғри белгилашда яқиндан кўмаклашмоқлари зарур. 1964 йил натижаларини якунлаш бўйича ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказган вақтда йўл қўйилган камчиликлар мутлақо такрорланмаслиги зарур. Маълумки, айрим колхозларда даромад тўғри тақсимланмаслиги натижасида юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришган илғор бригада ва фермаларнинг манфаатларига путур етказилган эди.

Колхозларда 1965 йил якунлари бўйича колхозчиларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳамма жойда шу йил 15 февралдан кечикмай ўтказилиши керак. Ундан олдин ҳар бир колхоздаги бригада ва фермаларда йиғилишлар ўтказилиши ва уларда 1965 йил якунлари муҳокама қилиниб, 1966 йил учун тадбирлар белгиланиши лозим.

Бу йилги ҳисобот йиғилишларида, ўтган йиллардагидан фарқли равишда, 1965 йил якунларини муҳокама қилиш билан бир қаторда, 1966 йил учун тузилган ишлаб чиқариш-молия планлари ҳам тасдиқланиши керак. Шу сабабли барча колхозларда ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишдан олдин ишлаб чиқариш-молия планлари тузиб чиқилиши, бригада ва фермалар учун конкрет топшириқлар белгиланиши зарур.

Бу йил республикамизнинг кўпчилик колхозларида ҳисоботларни, ишлаб чиқариш-молия планларини тайёрлаш ҳамда уларни колхозчиларнинг йиғилишларида муҳокама қилиш уюшқоқлик билан ўтмоқда. Масалан, Самарқанд областида 25 январгача етти колхоздан ташқари, барча қишлоқ хўжалик артелларида колхозчиларнинг умумий йиғилишларида 1965 йилнинг якунларини муҳокама қилиш ва 1966 йил учун тузилган ишлаб чиқариш-молия планларини тасдиқлаш тугалланди. Кўпчилик хўжаликларда йиғилишлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш ва ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини юксак рентабелли қилиш шиори остида юксак савияда ўтди. Бу — партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари томонидан олиб борилган жуда катта миқёсдаги ташкилотчилик ишининг, шунингдек, қишлоқ хўжалик мутахассислари иқтисодий ишни кучайтириш, ҳисоб ва китоб ишларида тартиб ўрнатиш юзасидан сарфлаган куч-ғайратнинг натижасидир. Андижон, Тошкент ва Бухоро областларининг кўпчилик колхозларида ҳам ҳисобот ва ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш муваффақиятли бормоқда.

Лекин аҳвол ҳамма жойда ҳам ана шундай яхши бўлаётир, деб бўлмайди. Бир қатор колхозларда ҳисоботларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш-молия планларини тузишга жиддий эътибор берилмаяпти, ўтган йиллари йўл қўйилган камчиликлар яна такрорланмоқда. Энг ёмони шундаки, йиллик ҳисоботларни тузганда фондлар ва қимматли товар-материалларни инвентаризация қилиш юзаки ўтказилмоқда. Масалан, Денов районидаги Ильич номли колхозда ўтган йилнинг август ойида ўтказилган текширув вақтида аниқланган қолдиқларни қайд қилиш билан чегараланиб, йиллик инвентаризация ўтказилмади. Пахтаорол районидаги «Коммунизм» колхозида инвентаризация вақтида чорва моллар тортиб кўрилмади, ем-хашакнинг қолдиғи аниқланмади. Сирдарё районидаги Ленин номли колхозда ва Қорақалпоғистон АССРдаги айрим қишлоқ хўжалик артелларида 1966 йилнинг 1 январида мавжуд бўлган чорва моллар тортилмасдан инвентаризациядан ўтказилди ва унинг натижалари правлениеда муҳокама қилинмади.

Айрим район ташкилотлари ва колхозлар бошқа ташкилотлар ҳамда шахслар билан ҳисоб-китобларда тартиб ўрнатиш юзасидан зарур чоралар кўрмаётирлар. Яккабоғ районидаги «Ленинизм» колхозида 1966 йилнинг 1 январигача 35 минг сўм ундирилмаган дебитор қарз борлиги маълум бўлди. Шўрчи районидаги Энгельс номли колхоз ўзининг «Узсельхозтехника» район бирлашмасидан 14 минг 800 сўм ва Киров сельпосидан 7100 сўм пулини ундирган йўқ. Шўрчи пахта тозалаш заводи колхозларга топширилган уруғликнинг ҳақини ва пахтанинг сорти ошганлиги учун берилиши лозим бўлган мукофотни бермаган. Натижада Жарқўрғон районидаги «Москва» колхозида 174 минг сўмдан кўпроқ ёки хўжалик қилган умумий даромаднинг 10 процентига яқин миқдорда дебитор қарзи ҳосил бўлган.

Бухоро ва Сурхондарё областларининг айрим колхозларида давлатга кейинги уч йил мобайнида биринчи сортлар билан сотилган пахтанинг ўртача миқдоридан зиёд топширилган пахта учун олинган қўшимча даромад бригадалар ўртасида нотўғри тақсимланган. Натижада камроқ ҳосил олган айрим бригадаларга юқори ҳосил олган бригадаларга нисбатан кўпроқ қўшимча ҳақ ёзилган.

Колхозчиларнинг ҳисобот ва ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, уларда правлениенинг ҳисоботи билан бир қаторда, колхознинг 1966 йилга тузган ишлаб чиқариш-молия плани ҳам тасдиқланади. КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларига мувофиқ барча колхозларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишнинг қатъий планлари етказиб берилган. Бу, колхозларга навбатдаги хўжалик йили учун ўз иш планини белгиланган вақтда аниқлаб олиш учун яхши шароит вужудга келтирди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети колхозларни банк кредити билан таъминлашни такомиллаштириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Эндиликда колхозларга пул авансларидавлат банки орқали тайёрлов ташкилотлари номидан берилади. Кредитлар колхознинг ишлаб чиқариш-молия планига мувофиқ меҳнатга тўланадиган ҳақни ҳам қўшган ҳолда пул маблағлари билан таъминланишдаги мавсумий узилишни қоплаш учун берилади. Кредит беришнинг янги тартиби бир меъёрда ишлашни йўлга қўйиш ва колхозчиларга аванслар ўз вақтида бериб борилишини таъминлаш имкониятини вужудга келтиради. Шу билан бир қаторда, колхозларнинг ишлаб чиқариш-молия планларини сифатли тузиш ва харажатларнинг миқдорини аниқ белгилаш соҳасидаги масъулияти ошади

Бироқ, бир қатор хўжаликларда 1966 йил планлари иқтисодий жиҳатдан асосланмаган ҳисоб-китоблар, нормативлар асосида тузилмоқдаки, бу оқибатда жиддий молиявий қийинчиликларга сабаб бўлади. Айрим хўжаликларда резервлар вужудга келтириш баҳонаси билан меҳнатга тўланадиган ҳақнинг планда белгиланган фонди камайтирилмоқда, тариф разрядларининг қиммати асоссиз равишда камайтирилмоқда. Бунда ҳақиқий ва планда белгиланган даромад ҳисобга олинмасдан асоссиз равишда камайтирилмоқда. Бу ҳол бутун йил давомида колхозчиларга етарли миқдорда аванс берилмаслигига олиб келади.

Бундай камчиликларга йўл қўйиш мутлақо мумкин эмас, чунки бу ҳол меҳнат ҳақи фондини нотўғри белгилашга ва оқибат-натижада колхоз меҳнатга ҳақ тўлаш учун зарур миқдорда банк кредити олиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, барча колхозларда хўжаликка деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планларини белгиланган муддатларда бажариш имкониятини берувчи тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш зарур. Шу йилнинг январь ойида СССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактациясининг шартномалари ҳақидаги янги низомни тасдиқлади. Унда шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганлик учун моддий жавобгарликка тортиш назарда тутилади. Агар хўжалик шартномада белгиланган маҳсулотни вақтида топширмаса ёки кам топширса тайёрлов органларига кечиккан ҳар кун учун топширилиши лозим бўлган маҳсулот қимматининг 0,1 проценти миқдорида жарима тўлайди. Агар кечикиш ўн кундан ошса хўжалик топширилмаган маҳсулот қимматининг икки проценти миқдорида жарима тўлашга мажбурдир. Низомда тайёрлов ташкилотларининг жавобгарлигини ошириш ҳам назарда тутилган. Агар улар маҳсулотни қабул қилиб олишдан бош тортсалар ёки бу ишни кечиктирсалар колхозга қабул қилинмаган ёки кечикиб қабул қилинган маҳсулот қимматининг 3 проценти миқдорида жарима ҳамда уни тайёрлов пунктига келтириш ва қайтариб олиб кетиш учун қилинган харажатни ҳам тўлайдилар. Агар тайёрлов ташкилоти тез бузиладиган маҳсулотни қабул қилиб олишдан бош тортса, хўжаликка маҳсулотнинг тўла қимматини ва уни келтириш ва олиб кетиш учун қилинган харажатни ҳам тўлашга мажбурдир.

Бундай шароитда планларни тузишга юзаки муносабатда бўлиш ва уни бажариш юзасидан тегишли чоралар кўрмаслик хўжаликка жуда катта моддий зарар келтиради.

Колхозчиларнинг йиғилишида ўтган йилнинг якунларини ва бу йил учун тузилган ишлаб чиқариш-молия планларини ҳар тарафлама чуқур муҳокама қилиш колхозларнинг жамоат хўжалигини янада мустаҳкамлаш ҳамда республикамиз колхозлари олдида 1966 йилда турган катта ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажаришга ёрдамлашади.

С. ТОШҚУЛОВ,
Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари.

ПАРРАНДАЧИЛАР

Каттақўрғондаги районлараро инкубатория станцияси Нарпай, Хатирчи ва Иштихон районларига ҳам хизмат кўрсатади. Станция кейинги йилларда жўжа очириш, давлатга маҳсулотлар топшириш планларини бажармади. Оқибатда шу тўрт райондаги хўжаликларда паррандачилик ривожланмади.

Инкубатория станцияси кадрлар билан мустаҳкамланди. Директорликка тайинланган Евдокия Николаевна Ионова қолоқликнинг сабабларини ўрганди. Старший зоотехник Ўктам Рустамов ветеринария врачи Ёқуб Олимов билан ҳамкорликда паррандаларни парвариш қилиш юзасидан озуқа рациони тузиб чиқди, инкубаториялар ремонт қилинди. Бундан ташқари, паррандабоқарлар ўртасида кўп ва сифатли маҳсулот топшириш юзасидан социалистик мусобақа қизитиб юборилди. Уларнинг кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришдан моддий манфаатдорлиги оширилди.

Шулар натижасида инкубатория станцияси ўз ишини тиклаб олди. Чунончи, 1965 йилда пландаги 437 минг ўрнига 483 минг жўжа очирилди. Жўжаларни сақлаб қолиш топшириғи 109 процент адо этилди.

Паррандачилик маҳсулотлари топшириш планлари бажарилиши билан бир қаторда, меҳнат ва маблағ харажатлари кескин камайди. Ҳар ўн дона тухум етиштиришга пландаги 68 тийин ўрнига 59 тийин сарфланди. Бундан станция жуда кўп фойда олди. Ўтган йил 8000 сўм фойда кўриш билан якунлади.

Станция коллективининг ёрдами билан Каттақўрғон районидаги «Пролетарий» колхози 3 минг ўрнига 8 мингта жўжа сотиб олиб, паррандачилик фермасига эга бўлди. Шу райондаги Крупская номли колхоз ҳам 2 минг ўрнига 7 минг бош жўжа сотиб олди ва намунали паррандачилик фермаси ташкил этди. Колхоз тағин 10 минг жўжа сотиб олмоқчи.

Инкубатория станциясининг ўзида пландаги 25 минг ўрнига 27 минг бош жўжа қолдирилиб, яхши парвариш қилинди. Чиқимга йўл қўйилмади. Озуқа рационининг хилма-хиллиги туфайли жўжалар тез семирди. Бултурги жўжалардан шу кунларда ҳам кўплаб тухум олинмоқда.

Қишда хам товуқлардан кўплаб тухум олишнинг сири нимада, деган савол туғилиши мумкин. Бунга станция паррандабоқарлари «озуқа рационини бойитиш орқали эришяпмиз», деб жавоб беришади. Ҳа, шундай. Шу кеча-кундузда ҳар бир товуққа 110 граммдан дон берилмоқда. Шу жумладан, 50 граммдан аралаш озуқа, 40 граммдан ёрма, 20 граммдан пишган арпа бериб турилади. Яна қўшимча равишда 10 граммдан сабзи, 10 граммдан қанд лавлаги ва бошқа сервитамин ҳамда тўйимли озуқалар едириляпти. Бундан ташқари ҳар бир товуққа бир грамм балиқ уни, 5 грамм оқсилли озуқа, 20 грамм ҳар хил чиқиндилар берилади. Озуқа рационини ана шундай хилма-хил бўлганлиги туфайли товуқлардан қиш чилласида ҳам кўп тухум олиняпти. Илгари қишда товуқлардан тухум олинмасди.

Илғор паррандабоқарлардан Софья Саидова, Ойдин Искандарова, Федор Ермоленко, инкубация цехининг бошлиғи Савия Фармонова ва бошқалар боқаётган товуқлардан тухум олиш планлари ой сайин ошириб бажарилмоқда.

Инкубатория станциясида шу кеча-кундузда ҳаёт қайнайди. Паррандабоқарлар 14 февралдан бошлаб жўжа очиришга киришадилар. Тухум қўйиш ва жўжа очириш ўтган йилдагига қараганда ўн кун олдин бошланади. Бу йил 400 минг бош жўжа сотиш кўзда тутилмоқда. Жўжа очириш юзасидан берилган топшириқни муваффақиятли бажаришга аҳд қилган станция коллективи инкубация цехини сифатли ремонтдан чиқарди, ҳар бирига 10 минг жўжа сиғадиган 4 та товуқхона керакли асбоблар билан таъминланди. «Рекорд-39» маркали инкубаторлар тўла-тўкис шай қилиб қўйилди. Хўжаликлар билан шартномалар тузиляпти.

Коллектив кичик бўлса-да, катта ишларни амалга оширяпти. Беш йилликнинг дастлабки босқичида давлатга 200 центнер парранда гўшти ва 700 минг дона тухум топширилади. Ҳар 10 дона тухум етиштиришга 58 тийин сарфлаш мўлжалланмоқда. Бу, пландагидан 10 тийин камдир.

Станциянинг эҳтиёжлари ҳам йўқ эмас. Бу ерда жўжа очиришни икки баравар ва ундан ҳам кўпайтириш имконияти бор. Агар инкубатория станцияси жойлашган ердан 500 метр наридан ўтаётган юқори вольтли линия энергиясидан фойдаланиш масаласи ҳал этилса, бу ерда ҳар йили бир миллион жўжа очириш ва хўжаликларга етказиб бериш мумкин. Шунга қарамасдан, станцияни етарли миқдорда энергия билан таъминлаш иши кечиктириб юборилмоқда.

Каттақўрғон районлараро инкубатория станциясини республикамиздаги йирик ва сермаҳсул корхонага айлантириш учун мавжуд резервлар ишга солиниб, имкониятлардан оқилона фойдаланилса яхши бўлур эди

Л. ЭРҒАШЕВ,
С. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

МАҲАЛЛАДА ҲАШАР

Сўнгги йилларда, Тошкент шаҳрида жамоатчилик кучи билан кўплаб бинолар қурилмоқда. Биргина Маданият маҳалласида кейинги ойларнинг ўзида ҳашар йўли билан клуб, чойхона, кутубхона бинолари қурилиб ишга туширилди. Халқ судларига сайловлар арафасида озиқ-овқат магазини фойдаланишга топширилди.

Амалга оширилаётган бу тадбирларнинг бошида жамоатчилик ишига ихлос қўйган пенсионер Аъзам Мусаев турибди. Ғ. Асомов, Ҳ. Раҳматуллаев, А. Одилов ва маҳалланинг бошқа ташаббускорлари қурилиш ва ободончилик ишларида яқиндан қатнашмоқдалар.

Р. ИНОҒОМОВ.

ҲАМЗА ТЕАТРИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театрининг эски биносидаги томоша зали фақат 569 томошабинни сиғдира олади. Саҳнаси эса жуда кичик бўлганлиги учун уни безашда механизациядан фойдаланиш имконияти йўқ.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги лойиҳа-смета бюросининг ижодий коллективи архитектор А. Сидоров билан биргаликда «Ватан» кинотеатрини реконструкция қилиш лойиҳасини тайёрладилар.

Шу лойиҳа-смета бюроси бошлиғи Эдуард Осипянц қуйидагиларни айтди:

— «Ватан» кинотеатри 1937 йилда архитектор А. Сидоров лойиҳаси асосида қурилган. Шунинг учун кинотеатрнинг реконструкция лойиҳасини тузишни ҳам архитектор А. Сидоровга топширилди.

Хўш, Ҳамза номли театр келажакда қандай бўлади?

Кенг, ёруғ кутиш залига уланиб кетган йирик йўлак орқали театр фойесига кирилади. Вестибюлда кассалар, гардероблар, маъмурий хоналар жойлашади. Театрнинг иккинчи қаватида концерт зали ва буфет жойлашади.

Томоша зали 900 кишига мўлжалланган. Залнинг ҳавоси доим янгилаб турилади, акустикаси ва шипининг тузилиши худди Санъат саройидагига ўхшаш бўлади.

Ҳамза номли театр саҳнасини механизациялаштириш лойиҳасини Москвадаги «Гипротеатр» лойиҳалаш институти коллективи тайёрламоқда.

Театр саҳнасининг кенглиги 24 метр, эни 18 метр ва баландлиги 22 метр, айланиш диаметри 14 метрдир.

Театрда спектакль рус тилига таржима қилиб борилади, шунингдек товуш ёзиб оладиган, товуш режиссерлиги хоналари, радио ва телекомментаторлар учун махсус хоналар бор.

Театрнинг заллари дид билан чиройли пардозланади. Театр биносининг реконструкциясини пойтахтимиздаги Санъат саройини қурган 159-қурилиш трестига қарашли 8-қурилиш бошқармасининг қўли гул бинокорлари бажармоқдалар. Тажрибали бинокор-инженер Хожимурод Шосултонов қурилишга раҳбарлик қилмоқда. Театр биноси шу йилнинг иккинчи ярмида фойдаланишга топширилади.

М. СУЛТОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

З И Ё''

Тўртинчи кўринишда оркестрда чанг, най, рубоб, доира, ғижжак каби миллий асбобларнинг иштироки операнинг чиройига чирой қўшган, характерларнинг миллий хусусиятларини ёрқинроқ очишга кўмаклашган. Фикримизча, композиторнинг бу иши диққатга сазовордир.

Операда оркестрнинг фаол иштироки учун қулайлик яратилганлиги — музикачиларга, хусусан Ф. Шамсиддиновга ўзининг юксак дирижёрлик маҳоратини кўрсатибгина қолмай, балки спектаклнинг бадиий бошқарувчиси — режиссёри даражасига кўтарилишига имкон берган.

Композитор Р. Ҳамроевнинг оркестр проблемасини бу тарзда ҳал қилганлигининг яна бир ижобий томони — режиссёр ва солистларнинг ижодий тафаккурини уйғотган, уларга ўз истеъдодларининг кенг қулоч ёйишига қулайлик яратган.

Совет театрининг отахони К. С. Станиславский драматик актер қатори, солист олдига ҳам катта талаблар қўярди. Унинг фикрича, музикали спектаклда ҳам мавжуд бўлган ҳамма элементлар бир-бири билан шунчалик чатишиб кетиши керакки, токи томошабин кўраётган спектакли айрим санъатлардан иборат эканлигини сезмасин. Музикали театрда ишлаётган артист фақат яхши ашулачигина эмас, балки яхши актёр ҳам бўлиши шарт. Бундай артист бўлиб етишиш учун драма, музика, вокал, хореография санъатларини яхши эгаллаш керак деб уқтирган эди.

Бироқ бундай етук артист бўлиш учун, санъат турларини эгаллаш билан бирга, киши ўз маҳоратини, истеъдодини, билимини оча оладиган, ижодий тажриба орттиришга қулайлик берадиган манба, айни вақтда мукаммал опералар ҳам бўлиши керак.

Р. Ҳамроевнинг музикасида солистга ўзининг актёрлик маҳоратини намойиш қилиш учун катта имкониятлар берилган. Балки, шунинг учун ҳам театр, масалан, «Гулсара», «Майсаранинг иши» операларида бўлганидек, бу спектаклда ҳам актёрлик ансамблига эришгандир. Назаримизда спектаклда бирорта образ йўққи, (унинг катта-кичиклигидан мустасно) ижрочи томонидан нотўғри талқин қилинган ёки рангсиз чиққан бўлса. Шуниси қувонарлики асосий қаҳрамонлар, чунончи Йўлчи (А. Азимов), Петров (С. Бенямииов), Гулнор (С. Қобилова), Мирзакаримбой (Ж. Қосимов), Ёрмат (К. Зокиров) каби образларнинг характери спектакль жараёнида ривожланиб, улғайиб боради. Эпизодик образларнинг ҳар бири эса шу қадар мукаммал ишланганки, уларнинг қайси бирини ажратиб кўрсатишга қийналади, киши.

Хуллас, композиторнинг оркестр проблемасини тўғри ҳал қилганлиги унинг ўзига хос ижодий услубидан далолат берибгина қолмай, операнинг бошқа таркибий қисмларининг ижодий ривожланишига ҳам қулайликлар яратган.

Операда мураккаб вокал формаларнинг йўқлиги айрим кишиларда, — ёш композиторда керакли тажриба, билим ва маҳорат етишмаганлигининг оқибати, деган фикрни туғдириши мумкин. Ҳақиқатан ҳам Р. Ҳамроев ёш, тажрибаси ва маҳорати ҳам ҳали етарли эмас. Одатда композиторлар опера ёзишга маълум тажриба орттириб, сўнгра киришишади. Р. Ҳамроев эса, ўз ижодини бирданига операдан бошлаб юборди. Бу — унинг ижодий жасорати десак, бўлади. Ҳаркалай Р. Ҳамроевнинг тажрибасизлиги ва маҳоратининг етишмаганлигини ария ёки ансамблар ёзмаганлиги билан изоҳлаш қийин. Бизнингча композиторнинг либреттога талабчанлик билан қарамай, ундаги камчиликларни такрорлаганлиги, музиканинг яхлит ва аниқ драматургик шаклга тушмаганлиги, кўпроқ унинг етарли тажрибага эга эмаслигини кўрсатади.

Умуман олганда Р. Ҳамроев яратган музика операнинг ғоявий йўналишини, ижтимоий моҳиятини, характерлар ва воқеаларнинг ҳолатини, асарнинг умумий мазмунини тўғри очиб беради. Бу асар ёш композиторнинг келгусида мукаммал опера яратиши мумкинлигидан далолат беради.

Спектаклни саҳналаштиришда Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Муҳамедовнинг катта санъаткорлиги яна бир карра намоён бўлди. Спектаклда образлар, қатор саҳналар, умуман бутун опера ўзининг тўғри талқинини топган. Бироқ спектаклда айрим камчиликлар ҳам бор. Масалан, тўртинчи кўринишни олайлик. Бу кўриниш спектаклнинг энг таъсирли жойларидан бири. Томошабин ундаги юморга ҳам, драматик ҳолатга ҳам тўла эпизодларни берилиб кўради. Авторларнинг ўйлашича, бу кўринишда Йўлчининг онгида бурилиш рўй бериши керак—бунга Шоқосим отанинг фожиаси, корандаларнинг бойдан норозилиги сабаб бўлади. Саҳнада эса, ана шу жараён билинар-билинмас ўтади — Йўлчи, назаримизда, негадир бир қадар четда қолиб кетади.

Фикримизча, бешинчи кўринишда Гулнор хаёлидаги тўй саҳнаси: биринчидан — бирмунча чўзиб юборилган, иккинчидан — гўзалликдан, романтикадан, поэзиядан маҳрум. Балки шунинг учун ҳам бўлса керак, бу саҳна кишида қизиқиш уйғотмай, уни тез зериктириб қўяди.

Агар Мирзакаримбойнинг ташқари ҳовлисидаги ҳаддан ташқари шартли услубда ясалган деразаларини эътиборга олмасак, рассом М. Мусаев яратган декорациялар операнинг мазмунини очишга катта хизмат қилган.

Юқорида айтиб ўтилган камчиликлардан қатъи назар, Навоий номли опера ва балет театри «Зулматдан зиё» операсини яратиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва В. И. Лениннинг 100 йиллик юбилейига муносиб совға қилди.

Ф. ЖУРАЕВ.

НАФИС ГИЛАМЛАР

Магазинларда бир зум ҳам тўхтамай қўлдан-қўлга ўтиб кетадиган ажойиб гиламлар Хивадаги Крупская номли палос-гилам фабрикасида тайёрланишини биласизми?

Бундан йигирма йил муқаддам фабрика «Умид» артели деб аталарди. У ерда тўқилган гиламларнинг сифати паст, деярли кўримсиз эди.

Ҳозирги кунда бу фабрикада тўқилаётган гиламларнинг довруғи республикамиздан ташқарига ҳам тарқалган. Фабрика маҳсулотлари Лондон, Жакарта, София, Рио-де-Жанейро каби бир неча чет эл мамлакатларидаги виставкаларда намойиш қилинганда юқори баҳо олди.

Фабрикада бош инженер Гулчеҳраой Маткаримова билан суҳбатлашдим.

Ҳозирги кунда фабрика аҳил коллективининг ҳалол меҳнати туфайли йилига ўн минг квадратметрдан ортиқроқ сифатли палос ва гиламлар тўқилмоқда.

— Чиқиндилардан гилам тўқиётганимизни эшитмаган бўлсангиз керак, — деб сўради К. Маткаримова.

— Йўқ, эшитмадим.

— Хиванинг гилам шаҳри эканлиги ҳаммага маълум. Хива шаҳридан унча узоқ бўлмаган Ленинобод шаҳрида машинада гилам тўқиш комбинати жойлашган. Машиналарда гилам тўқиганда бўлак-бўлак жун арқоқлар чиқиндига чиқади. Хива гиламчилари мана шу чиқиндиларни қўлда қайта ишлаш йўлларини ўргандилар. Аниқланишича, бу чиқиндилардан гилам тўқилганда корхона жуда катта фойда кўрар экан. Шунингдек, чиқиндилардан ишланган гиламнинг нархи бошқа гиламлардан 30-40 процент арзон туради. Сифати эса бошқа гиламлардан қолишмайди.

Фабрикада ҳозирги кунда коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун самарали меҳнат қилаётган 200 дан ортиқ мастер бор. Мастерлардан Ш. Абдулязова, К. Отажонова, А. Тоирова, С. Машарипова каби кўплаб гилам тўқиш усталари фабриканинг олтин фонди ҳисобланади.

О. АПУХТИН.

ҚАШҚИРМИ Ё.., ҚОПЛОН!

ХОДИСА

Қамаши районидаги Кўкбулоқ тоғлари этагида жойлашган Эгрисув қишлоғида қизиқ воқеа рўй берди. Нурмамат ака Раҳмонов бир неча йиллардан буён бундай ҳодисага дуч келмаган эди.

У яйловдан ҳайдаб келган қўйларини қўтонга қамаб, бир оз дам олиш учун чўзилди. Ярим тунда ҳуриккан қўйларнинг қаттиқ дувури эшитилди. Сутдай ёруғ ойдин кеча. Югуриб қўтонга чиққан чўпоннинг кўзи эчкини кўтариб кетаётган йиртқичга тушди:

— Нимайкин, қашқирми? Йўқ, бўрига ўхшамайди... Қоплон!

Довюрак Нурмамат ака югуриб, қоплоннинг олдини кесиб чиқди ва қўлидаги заранг таёқ билан унинг қоқ миясига туширди. Қаттиқ зарб еган қоплон чўзилиб қолди.

Уйқуси қочган чўпон тонг саҳарда қўйларни яйловга ҳайдади. Ой ботган, кўкдаги юлдузлар сўна бошлаган бўлса ҳам, ҳали қир ёнбағри қоронғи эди. Сурув кетидан кетаётган Нурмамат ака қўйлар ичига ўтган алланарсани кўриб қолди. Чўпон боргунча қоплон бир қўйни босишга улгурибди. «Жанг» бошланди. Заранг таёқ яна иш берди. Чаққон чўпон бу қоплонни ҳам сулайтирди.

Қамаши районидаги «Кўкбулоқ» совхози дирекцияси бир кечада икки йиртқични қулатган довюрак чўпон Нурмамат Раҳмоновни қиммат баҳо буюм билан мукофотлади.

П. ҲАСАНОВ.

Турли мамлакатларда

ВЬЕТНАМ — ВЬЕТНАМЛИКЛАРНИКИ БЎЛСИН

Америка самолётлари Вьетнам Демократик Республикаси территориясини яна бомбардимон қила бошлаганлиги халқаро жамоатчиликда жиддий ташвиш, қаҳр-ғазаб ва норозилик туғдирди.

ФИНЛЯНДИЯ

Финляндия Компартиясининг Хельсинкида ўтаётган XIV съезди делегатлари қуйидаги норозилик телеграммасини якдиллик билан қабул қилдилар:

«Вьетнамдан қўлингни торт!

Финляндия Компартиясининг XIV съезди АҚШ Шимолий Вьетнам территориясини яна бомбардимон қила бошлаганлиги муносабати билан ўзининг чуқур қаҳр-ғазабини изҳор этади. Вьетнам—вьетнамликларникидир, американиклар эса. ўз қурол-яроғлари билан уйларида ўтира берсинлар».

ЯПОНИЯ

Япония социалистик партияси ўзи эълон қилган баёнотда ВДР территорияси яна бомбардимон қилина бошлаганлиги АҚШнинг мунофиқлигини равшан кўрсатиб турибди, деб таъкидлайди. АҚШ Жанубий Вьетнамни оккупация қилиб, вьетнамликларни ўлдира берар экан, Вьетнамда тинчлик бўлмайди, дейди социалистик партия.

Баёнотда ВДРни бомбардимон қилишни дарҳол тўхтатиш, Америка қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб кетиш ва Женева битимларига қатъий риоя этиш талаб қилинади.

Радио билан телевидениенинг жуда кўп шарҳларида Америка ВДРни бомбардимон қилаётганлиги Шарқи-Жанубий Осиёдаги аҳволнинг янада кескинлашувига олиб боради ва тинчлик учун хатарли оқибатларга сабаб бўлади. деб жиддий ташвиш билдирилади.

АНГЛИЯ

Англия тинчликни ҳимоя қилиш комитети Англия Бош Министри билан ташқи ишлар министрига баёнот юбориб, Америка авиацияси ВДРга осмондан яна ҳужум қила бошлаганлигига қарши кескин норозилик билдирди.

Комитет АҚШ ҳукуматини ВДРни бомбардимон қилишни дарҳол тўхтатишга чақиришни Англия ҳукуматидан талаб қилди. (ТАСС).

АМЕРИКА АВИАЦИЯСИ ВДРГА ЯНА ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. 31 январь. (ТАСС). АП агентлиги хабар беради:

Бугун эрталаб Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикаси территориясини яна бомбардимон қила бошлади, деб эълон қилди. АҚШнинг Сайгондаги элчихонаси.

У ТАННИНГ БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 31 январь. (ТАСС). Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Тан Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикасига осмондан қилинаётган ҳужумларни яна бошлаб юборганлиги Вьетнам проблемасини тинч йўл билан бартараф этиш ишига зарар етказади, деди.

Бош секретарь АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Голдберг билан учрашганидан кейин, бош секретарнинг вакили У Таннинг баёнотини ўқиб эшиттирди.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЖАНГОВАР ҲАРАКАТИ

ПАРИЖ, 31 январь. (ТАСС). Бугун эрта тонгда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Сайгондан 23 километр нарида Америка пиёда дивизияси позициясини миномётлардан ўққа тутдилар. Франс пресс агентлиги мухбирининг Сайгондан хабар беришига кўра, 25 минут давом этган отишма натижасида Америка қўшинлари талафот кўрган. Бир неча вертолёт шикастлантирилган.

Италия Компартиясининг XI съезди ўз ишини тамомлади

РИМ, 31 январь. (ТАСС). Италия Коммунистик партиясининг XI съезди ўз ишини тугаллади. Якунловчи мажлисда 151 кишидан иборат янги Марказий Комитет билан 51 кишидан иборат марказий контроль комиссияси сайланди. Марказий Комитет билан Марказий контроль комиссиясининг қўшма мажлисида Италия коммунистларининг синалган раҳбари, халқаро ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби Луижи Лонго Италия Компартияси Бош секретарлигига бир овоздан сайланди. Съезд делегатлари шу ҳақдаги ахборотни гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди. Марказий контроль комиссиясининг раислигига яна М. Скочимарро сайланди.

Съезд «интернационал» ва Италия меҳнаткашларининг жанговар гимни «Бандьера росса»ни куйлаш билан ёпилди.



Колумбия ишчилари ўз ҳуқуқлари учун, демократик ўзгаришлар учун кураш олиб бормоқдалар. Корхоналарда тез-тез забастовкалар бўлиб ўтмоқда, кўчаларда намойишлар бўлаётир. Суратда: Богота полицияси ишчилар намойишини тарқатиб юбормоқда.

(ТАСС фотохроникаси).

◆ ● ◆

БУТУН ЖАҲОН БЎЙЛАБ

Тошкент гидрометприборлар экспериментал заводининг универсал гелиографига биринчи марта Пхеньянга сафар қилиш йўлланмаси берилди. Бу установка ёрдами билан метеорология станцияларида қуёш ёғдуси қайд қилинади. Установка март ойида Корея Халқ Демократик Республикасининг пойтахтида очиладиган халқаро виставкада намойиш қилинади.

Ўзбекистон пойтахтида яратилган универсал гелиографлар жаҳондаги энг яхши нусхалардан сира қолишмайди.

Тошкент маркаси бўлган приборлар 1966 йилда Жазоирда, Будапештда, Лейпциг, Дамашқ, Измир, Токио ва бошқа шаҳарларда ўтказиладиган халқаро виставкаларнинг Совет Иттифоқидан юбориладиган экспонатлари рўйхатига киритилди. (ЎзТАГ).

Хабарлар, воқеалар

Омадсиз Робинзон

Шовқин-сурон инглиз студенти Майкл Свифтнинг жонига тегди. У шовқинга тўла оламдан узоқлашиб, Тинч океанидаги Суворов оролида яшамоқчи бўлди. Свифт нега бу оролни танлади? Чунки бу орол жуда кичкина, уни 10 минутда айланиб чиқиш мумкин. Энг яқин «цивилизация» эса оролдан 800 километр узоқдадир.

Свифт кичкина яхтани ижарага олди. Яхта эгаси уни Суворов ороли қирғоғига олиб бориб қўйди. Қаландар-студент юкини (шу жумладан зажигалкага ўн йилга етадиган миқдордаги бензинни) соҳилга тушириб, капитан билан хайрлашди.

Свифтнинг бахтига қарши, денгизчи эзма одам экан, кўп ўтмай Янги Зеландия маъмурлари орол «босиб олинганидан» хабардор бўлиб қолишди. Яқинда оролга Янги Зеландиянинг расмий вакили юборилди. «Янги Робинзон»нинг ҳужжати текшириб кўрилди. Майкл Свифт Янги Зеландияга келишга рухсат олмаганлиги маълум бўлди.

Бу тарихда Робинзон оролдан 24 соат ичида чиқариб юборилган биринчи воқеадир.

Автомобилнинг «парвоз»и

— Шошилма, эҳтиёт бўл, музгарчиликда юриш жуда хавфли! — ёш шофер Анатолий Незятнинг машинасини йўлга чиқаришаётганда гараж раҳбарлари ва ўртоқлари ана шундай огоҳлантиришди.

Анатолий Днепропетровск кўчаларидан йўл қоидаларига қатъий риоя қилиб борарди. Чернишевский кўчаси баландликка кўтариладиган жойда катта самосвални айланиб ўтишга тўғри келди. У самосвал ёнидан ўтаётганда қоидага мувофиқ машинага тормоз берди. Аммо машина сирғаниб кетиб, йўл четидаги тўсиқни бузиб юборди ва чуқур жарликка учиб кетди.

Йўловчиларнинг ҳаммаси авария юз берган жойга югурди, машина қулаган жойга қарашиб, ҳайрон бўлиб қолишди: Эллик метр чуқурликдаги жар тубида автомобиль бут-бутун турган эди. Бу ғалати «парвоз» ва ажойиб қўнишда ҳанг-манг бўлиб қолган, бирор жойи ҳам лат емаган шофер кабинадан чиқиб келди. Жар ёқаси ва тубидаги қалин қор машинани ҳам, шоферни ҳам омон сақлаб қолди.

(«НЕДЕЛЯ»дан).

СОТҚИНЛАР ҚОРА КУРСИДА

МИНЕРАЛЬНИЕ ВОДИ. 31 январь. (ТАСС мухбири). Бу ерда бир группа Ватан хоинлари устидан очиқ суд мажлиси бошланди. Ставрополь ўлкаси оккупация қилиб турилган беш ой мобайнида гитлерчи жаллодларнинг бу қонхўр гумашталари тинч аҳолидан олтмиш мингдан ортиқ кишини қириб ташлаган эдилар. Минеральние Води полициясининг собиқ бошлиғи Е. Г. Завадский, шу шаҳардаги ҳарбий комендатуранинг таржимони М. П. Габ, собиқ полициячилар П. И. Гришан, Т. Л. Тарасов, Г. П. Божко ва К. Н. Науменколар қора курсида ўтирибди.

Ҳарбий комендант майор Пауль Бартнинг буйруғига мувофиқ, 1942 йил 1 сентябрда Минеральние Води шаҳридаги барча яҳудий аҳоли 1-мактаб ҳовлисига тўпланди. «Кўчириш» баҳонаси билан одамларни вокзалга ҳайдаб боришди, шу ерда Завадский билан унинг ёрдамчилари одамларни платформаларга чиқариб, ойна заводига юборишда немис автоматчиларига ёрдамлашиб турдилар. Ўша ердаги танкка қарши ковлаб қўйилган чуқурлик ёнида одамларни мажбуран ечинтириб, ҳаммасини отиб ташлашди. Ҳозир қора курсида ўтирган кишилар қатнашган биринчи қонли жиноят ана шундай содир бўлди.

Шундан кейинги кунларда танкка қарши ковланган ўша чуқурлик ёнида фашистлар Пятигорск аҳолисидан 2.800 кишини, Ессентукидан икки минг кишини, Железноводскдан 87 кишини отиб ташладилар.

Эндиликда, айбланувчиларнинг иши юзасидан ўтказилган тергов тамом бўлганидан кейин номлари аниқланган ана шу одамхўрларни унутиб бўлмайди, улар қилган жиноятларни кечириб бўлмайди. Суд ана шу одамхўрларнинг номларини айтади. Мана улар: СД-12 алоҳида жазо командасининг бошлиғи ССнинг оберштурмбаннфюрери Густав Носске, ССнинг штурмбаннфюрери Фридрих Негеле. Пятигорскдаги яҳудий аҳолини қириб ташлаш айбдори бўлган Фридрих Негеле ҳозир Ғарбий Германиядаги Штутгарт шаҳри полиция президиуми раҳбарларидан бири бўлиб ишламоқда.

ССнинг обершарфюрери, СД Кавказ ротасининг командири Вальтер Керер ҳам шу шаҳарда яшаб, бир неча магазинга хўжайинлик қилмоқда. Тинч аҳоли қотилларидан Хейнц Герман Шуиберт, Вилли Зайберт, Фридрих Пельц ва бошқалар Кавказдан қочиб бориб, ҳозир Германия Федератив Республикасида истиқомат қилиб турибди. Бегуноҳ кишиларнинг қони, тирикларнинг виждони ана шу қотилларни қаттиқ жазолашни талаб этади.

Қотилларнинг олти гумаштаси бугун совет халқи олдида жавоб бермоқда. Сотқинларни юстиция генерал-майори Г. Г. Нафиков раислигида Шимолий Кавказ округининг ҳарбий трибунали суд қилмоқда. Ҳарбий округ прокурори полковник И. В. Задорожний айбловчи бўлиб чиқмоқда.

Собир **АБДУЛЛА**

Ўзбекистон халқ шоири

ҚОР, ЁҒСАНГЧИ

(ТАБИАТГА ҲАЗИЛ)

Ўтар қиш чилласи, кўнгил учун эй қор, ёғсангчи,
Самога эл тутиб кўз, дейди: — беш-ўн бор ёғсангчи!
Ҳавонинг иссиғидан кўп дарахт уйғонди, пих ёзди,
Яна қолганлари ҳам бўлмасин бедор, ёғсангчи!
Ҳарир оқ киймади бу ўлка декабрда, январда,
Кечикдинг! Энди февраль ойи кўп миқдор ёғсангчи!
Шу кунлар ёғмасанг, март ойи ёғмоқдан нечук наф бор,
Ёғиш кўкламда, эй қор, наф эмас, озор! Ёғсангчи!
Қилиб қиш қишлигин, ҳар фаслнинг ўз мавқеи бўлсин,
Сенам ўз мавқеингни фаҳм этиб, ҳушёр, ёғсангчи!
Оқармоқ ўрнига ер кўкси кўм-кўк, бир қарич буғдой,
Йўлингга мунтазир ҳар қир ва боғ-гулзор, ёғсангчи!
Ёғишнинг фурсати! Вақт ўтмасин, ёғ, ёғ каби сингиб,
Шу фурсат ёғмасанг, ёғганларинг бекор! Ёғсангчи!
Ёзиб мен «қор хат», ҳеч кимга ташлолмай, кутай тонай,
Зиёфат ундириш сенсиз эмиш душвор! Ёғсангчи!
Агар сен ёғмасанг деҳқончиликнинг не бўлур ҳоли,
Қилиб деҳқону боғбонларни миннатдор, ёғсангчи!
Агар тоғларда сен турсанг, миробнинг кўнгли тўқ то куз,
Камаймасдан кўпайгай сой, сув омбор, ёғсангчи!
Сенинг ёққан кунинг эл ичра шодлик, муждалар тарқаб
Таралгай ҳар томон, ҳарёнга хуш ахбор, ёғсангчи!
Улар қурту қумурсқа ях билан, боплаб агар ёғсанг,
Қилиб деҳқону боғбонларни миннатдор, ёғсангчи!
Яқинлашди баҳор ҳам айни лайлаклар келар вақти,
Баҳор келмай туриб, келгунча лайлак қор, ёғсангчи!
Сенга фармон беришга кимда ҳад? Ёзмас эди Собир,
Бугун, халқ номидан ёзди буни ночор: Ёғсангчи!

□ □

ФЕВРАЛДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Мана, чилла чиқяптики, термометрларнинг симоблари жуда борганда —5, —8 ни кўрсатиб турибди

Республикамизда ҳавонинг исиб кетишига сабаб, Арктикадан совуқ ҳаво келтирадиган шамолнинг келмай қолишидир. Аксинча, жанубдан иссиқ оқимлар кўпроқ келиб турибди.

Ўрта Осиёда ҳавонинг бундай қуруқ, иссиқ келиши 86 йилдан буён биринчи марта содир бўлди. Кузатишларга қараганда 15 йил қиш иссиқ келган, лекин ўша йилларда ҳам ёғингарчилик кўп бўлган. Шунингдек, қиш 3 марта қуруқ келган-у нормал даражада совуқ бўлган.

Шуни ҳам айтиш кераки, Арктика шимолий районларга ва Ғарбий Европага яхши «хизмат» қилиб берди. Айрим жойларда термометрлар симоби — 50-60 даража совуқни кўрсатди. Январда Румыния, Польша ва Францияда кутилмаганда совуқ 16 даражагача етди. Бу мамлакатларда қор шу қадар қалин ёғдики, ҳатто транспорт тўхтаб қолди.

Февраль ойида ҳаво яна иссиқ келиши, ҳарорат кўп йиллик, ўртача даражадан 1-3 даража иссиқ бўлиши, фақат шимолий районларда совуқ нормага яқин бўлиши кутилади.

1-4 ва 23-28 февраль кунлари ҳаво совийди, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида кечалари 12-18, кундузи 2-7 даража совуқ бўлади.

Республиканинг бошқа областларида кечалари 5-10, кундузи 1-6, жанубда 2-7 даража совуқ бўлади.

Февраль ойининг 15 ларига бориб ҳаво яна исий бошлайди. Кундузи 15-20, жанубда 25 даражагача иссиқ бўлади. Февралда намгарчилик январга нисбатан кўпроқ, яъни нормага яқин бўлади. Февралнинг учинчи ўн кунлигида ёғингарчилик кўпроқ бўлиши, ёмғирнинг қорга айланиши кутилади.

О. СПИРИДОНОВА,

об-ҳаво бюросининг бош инженери.

ПАРТИЗАН СЎҚМОҚЛАРИДАН

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ ПАРТИЗАНЛАРИ ҲУЗУРИДА

□ □

Биз партизанларнинг ўрмон ичидаги йўлларини ахтариб топиш учун алоқачилар билан биргаликда йўлга тушдик. Тун. ёмғир қуйиб турибди. Сув шириллаб оқиб тушаётган барглар орасидан қалин буталар ичида одамлар шарпасини пайқаб қолдим.

— Шулар эмасми? — деб ўйладим мен. Қоронғуликда пайдо бўлган киши қўлида узун бир нарсани ушлаб турарди. Синчиклаб қараб унинг қўлидаги милтиқ эканлигини пайқадим. У киши ёнимга келиб, эҳтиётлик билан тирсагимдан ушлади-да, мени эргаштириб қалин ўрмон ичига бошлаб кетди... Қоп-қоронғи, ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Овоз чиқаётган томонга пайпаслаииб кетяпман. Оёғим лойга ботиб, пилч-пилч қилади. Ҳадеб дарахтга уринаман, бамбукнинг силлиқ танасини ушлаб қоламан. Группамизда етти киши бор. Улардан учтаси мустамлакачилар билан курашда кўп йиллик тажриба орттирганлардан.

Ҳозирги асримиздан анча илгари вьетнамликларнинг кўпгина авлоди босқинчилар ва эзувчиларга қарши курашиб келган. Хосе Марти ўзининг «Олтин дамлар» китобида: «... бу халқ ўз эркинлиги учун доимо курашиб келган!..» дейди.

Вьетнам халқи ҳамиша энг кучли душманлар билан курашган. Бироқ душман вьетнамликлар кучини синдиролмаган. Бу мардонавар халқ бугунги кунда энг кучли агрессор билан жанг қилмоқда. Француз мустамлакачиларини Вьетнам тупроғидан ҳайдаб юборганлар ҳозир балоғатга етишди. Ветеранлар ўзларининг жанговар тажрибаларини ёшларга ўргатишмоқда, ўз укаларини курашга тайёрламоқдалар. Бу халқ «Бир минут қул бўлгандан кўра, бутун умр жангчи бўлган яхши» деган мақолни шиор қилиб олган. Турли-туман товушларга тўла ўрмондан араңг борар эканмиз миямга шу хаёллар келди.

Юзларча қушлар, судралувчилар билан паррандаларнинг қичқириши, сайраши, вишиллаши осмонни бошига кўтаргандай бўларди.

Йўл бошловчи милтиғи билан дарахт шохларини у ёқ-бу ёққа суриб, қўлимдан ушлаб мени етаклаб борарди. Анчагина вақт ўтди, нимагадир биз тўхтаб қолдик. Партизанлардан биттаси менинг елкамга нейлон плашчини ёпиб қўйди. Менинг эътирозим бефойда бўлди. Тез орада яна тўхтадик. мен таржимонимизнинг овозини эшитиб қолдим.

Бу ўртоқ мендан французчалаб чарчамадингизми деб сўради. Мен «йўқ, чарчаганим йўқ» деб жавоб бердим. Шунга қарамасдан улар бизни зах ерга тўшалган нейлон мата устига ўтиришга ундашди. Партизанлар бизларни қуршаб олишди. Улар елкаларидаги рюкзакларини бирин-кетин ерга қўйишди-да, автоматик равишда очиладиган металл қопқоқли жажжи чироқчаларини ёқишди. Бу хилдаги чироқчалар уриб туширилган Америка самолёт ва вертолетларининг майдаланиб кетган мис симлари ёки дюралюминдан ишланаркан

Мен индамасдан ҳамроҳларимнинг юзига тикилардим...

Партизанлар дурустроқ танишиб олиш мақсадида табассум билан чироқчаларини бизларнинг юзимизга яқинлаштиришарди. Улардан бири чўнтагидан нейлонга ўралган пакетни олди. Унда бизларнинг исмларимиз ёзилган қоғоз бор эди. У фамилияларимизни овоз чиқариб ўқиб эшиттирди. Ўзининг исмини айтиб, дўстларини биз билан таништирди. Кейин пакетни эҳтиёткорлик билан буклаб. яна чўнтагига солиб қўйди.

Мен билан французча гаплашган партизан менга сигарет узатди. Мен чекмасам ҳам, бу сафар унинг қўлини қайтаролмадим. Вьетнамликлар гўё команда берилгандай ҳаммаси бирданига менга зажигалкасини тутишди. Сигарета қўл келиб қолди. чунки совуқдан қалтирардим, нам суяк-суягимгача ўтиб борарди. Тезда ўзимни бардамроқ сездим.

Орадан бир неча минут ўтгандан кейин яна йўлга равона бўлдик, бир дарё қирғоғигача ҳеч қаерда тўхтамасдан юриб бордик. Оёқ-қўлларимизни ювдик. Партизанлар тошлар устига нейлон матаrange ёзиб ташлашди. Овқатландик. Партизанларнинг рюкзакларида вилка, пичоқ, қошиқ. алюмин тарелкалар, ҳатто қанд ва туз ҳам топилди.

Озгина ҳордиқ чиқариб олиш пайтида ҳамроҳларимни кузатиб чиқдим. Улар ўрта бўйли, хотиржам юзли, мускулдор қўлли ва бақувват оёқли одамлар эди. Партизанларнинг оёқларида резина кавиш. Бу ватанпарварлар томонидан мажақланган Америка жиплари, броневик ва вертолетларининг шиналаридан тикилган.

Улар оёқларини ерга тираб, чўнқайиб ўтиришган ҳолда нейлон ғилофли шойи халтачалардаги маҳаллий тамакидан тайёрланган сигаретани чиқаришди. Қўлбола қилиб тайёрланган ҳалиги чироқчалар ёмғир ёғаётган пайтда ҳам ўчмас экан. Ҳар бир партизаннинг чироқчадан ташқари фонари ҳам бор. Кўп ўтирмадик. Ҳали анча юришимиз керак. Бизларни кутишаётган ерга неча соатдан кейин етиб боришимизни бирортамиз ҳам билмасдик.

Йўл борган сари ёмонлашиб, оғирлашарди. Қўлларида қурол-яроғ, елкаларига катта қопларни орқалаб олган партизанлар юкларини тушириб юбормаслик учун авайлаб қадам ташлашарди. Улар тез-тез қоқилишиб, йиқилишарди, шундай бўлса ҳам йўлни тўсаётган шохларни синдириб ташлаб, дўстларига ёрдамлашар ва қоронғида тор сўқмоқлардан юришни давом эттиришарди. Улар ана шундай қийинчиликларга қарамасдан бизларни заҳарли илонлардан ҳимоя ҳам қилишарди.

Ҳамроҳларимиз баъзан ўзаро пичирлашиб сўзлашиб, кулишарди ва бизларни ҳам суҳбатга аралашишга даъват этишарди. Баъзилари бизга мурожаат қилиб, Кубанинг табиатини, кубаликларнинг қандай ҳаёт кечиришаётганини ва Фиделнинг соғлигини французчалаб сўрашарди. Баъзилар вьетнамчалаб савол беришганда бирортаси французчага таржима қиларди.

Лагерда бизни ажойиб иссиқ «душ» ва бир графин хушбўй чой, менга момиқдан ҳам юмшоқ, иссиқ, тоза кўринган бамбукли тўшак кутарди. Деҳқонлар сингари қора костюм кийган ўн икки эркак ва аёл бизни жуда самимий кутиб олди. Дарвоқе бизларга ҳам ўшандай қора костюм беришди, бундай костюмларни Жанубий Вьетнам партизанларининг қарийб ҳаммаси кияр экан. Биз ҳам уни бажонидил кийиб юрдик.

Марта РОХАС,

Куба журналисти. (АПН).

Жанубий Вьетнам.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

2 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт, 6.45 — Гимнастика, 7.35 — Эшиттиришлар программаси, 8.25 — Қўшиқлар.

9.15 — «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока», 9.53 — «Ҳақиқати Ўзбекистон», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Романслар, 10.10 — Қўшиқлар, 10.30 — Ўрта Осиё республикалари санъат усталари, 11.10 — Партия ходими минбари, 11.20 — Шоир Ҳабибий шеърларига қўшиқлар, 13.00 — Чорвадорлар учун, 13.40 — Классик музика (рус.), 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 16.15 — Композитор С. Юдаков (рус.), 17.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 18.10 — Француз артистлари ижросида қўшиқлар, 18.30 — Топишмоқли концерт, 19.20 — Қозоқ куйлари, 20.00 — «Колхоз бир йиллик ишини якунламоқда» (рус.), 20.10 — Қўшиқ ва куйлар, 20.45 — «Радио эшитувчилар хати асосида», 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт, 22.00 — «Коммунистик дунёқарашнинг шаклланиши», 22.15 — Лирик концерт, 22.40 — Поэзия кечаси, 23.10 — Эртаги кун эшиттиришлари, 23.20 — «Ташсельмаш» коллективи талабига мувофиқ концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.20 — **Звезда** тележурнали, 19.00 — **Иван Грозний** номли бадиий фильмнинг 1-серияси.

20.40 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.45 — **Телевизион янгиликлар,** 21.00 — **Дала ишлари кундалиги,** 21.15 — **Дўстлик трассасида** («Ёшлик» студияси). 21.40 — **Композитор С. Ҳайитбоев.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.10 — **Абу Райҳон Беруний** (мактаб ўқувчилари учун), 18.45 — **Тошкент янгиликлари,** 18.55 — **Фин ойнаси** (телефильм), 19.05 — **Шеърият мухлисларига,** 19.25 — **Табассум** (телефильм).

Рус тилида: 19.35 — **Урмондаги уй** (телеспектакль), 20.45 — **Концерт,** 21.20 — **Тошкент янгиликлари,** 21.30 — **Ун иккинчи кеча** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/II да **Флория Тоска,** 3/II да **Хоразм қўшиғи.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/II да **Ўғирланган умр,** 3/II да **Сўнгги нусхалар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/II да **Ёшликда берган кўнгил,** 3/II да **Қари қиз.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 2, 3/II да йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи **Владимир Борисов** ва **«Юность»** коллективининг хайрлашув гастроллари.

КИНО

Бу телба дунё (кенг форматли фильм) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МИР» (кундуз соат 12, 3 ва кеч 9 да), НАВОИЙ номли (эрталаб 11 ярим, кундуз 5 ва кеч 9-20 минутда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 3 ва кеч 9 яримда), «ВОСТОК» эрталаб 10, кундуз 1, 4 ва кеч 7 да), «ЮЛДУЗ» (кеч 9 да).

Уйқудаги арслон — «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», «ВОСТОК» (кичик залда), «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 2,3 ярим ва 7-40 минутда), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб 11, кундуз 3 ва кеч 7 яримда), «ЮЛДУЗ» (кундуз 5 ва кеч 7 да), «МИР» (эрталаб 10 да).

Сохта подшо — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10, 11-45 минут, кундуз 1 ярим ва 3-15 минутда).

Майдондаги қотиллик — «ЁШ ГВАРДИЯ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1,5 ярим ва кеч 9-15 минутда).

Тун қоронғисида — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Янги Дон-Жуан — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Осиё устида бўрон — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12-40 минутда).

1966 йил 11 февраль кундуз соат 2 яримда. Тошкент политехника институти геология-разведка ва кон-металлургия факультетларининг бирлашган илмий совети мажлисида

(Гоголь кўчаси, 68-уй)

П. С. Поклонскийга

босилган асарлари юзасидан: «Полиметалл конларини очиқ усулда ишлаш технологиясини такомиллаштириш» деган темада диссертация ёқламасдан техника фанлари кандидати деган

ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРИШ

Унинг асарлари билан кутубхонада танишиш мумкин (Навоий кўчаси, 13-уй).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

2 февралда

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

концерти

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Коммуна Исмоилова,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова, Дилором Шерова,** солистлардан **Зокиржон Султонов, Холисхон Қодирова, Манзура Мўминова, Нафиса Тошхўжаева, Равшан Мўминова, Уткир Холмуҳамедов, Раббим Ҳамдамов, Баҳодир Зиёмуҳамедовлар** ва ўзбек халқ чолғу оркестри қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

3, 4, 5, 6 февралда

ҚОЗОҒИСТОН АРТИСТЛАРИНИНГ

гастроллари

Концертда: Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Рабиға Есимжонова,** солистлар **Маданият Ешекеев, Зейнеп Ушурова, Яков Леленко, Магауя Ҳамзин, Тинишбек Бўйрабоевлар** қатнашади.

Программада: қозоқ музика, ашула ва рақслари, сатира ва юмор.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР РАССОМЛАР СОЮЗИ ВА БАДИИЙ ФОНДИ

саноат корхоналарининг парткомлари, завкомлари ва колхоз правлениеларининг истагига мувофиқ,

ҳар ойда 6 марта чиқадиган

„ЖАНГОВАР ҚАЛАМ“

БОЕВОЙ КАРАНДАШ

АГИТПЛАКАТИГА

ЯНГИДАН ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛА БОШЛАДИ

«Жанговар қалам» агитплакати — КПСС XXIII съездини, Улуғ Октябрь 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун коллектив агитатордир.

«Жанговар қалам» агитплакати мамлакатимиздаги энг муҳим воқеаларни акс эттиради, ишлаб чиқариш, тарбия, ахлоқ, турмуш темаларини ёритади.

Агитплакатга обунани «Союзпечать» бўлимлари ва Ўзбекистон ССР Бадиий фонди вакиллари қабул қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

қуйидаги лабораторияларнинг вакант вазифаларида ишлаш учун

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Сув ўсимликлари — лаборатория мудири (биология фанлари доктори ёки кандидати — ботаник);

янги фойдали ўсимликларни қидириш — старший илмий ходим (биология фанлари кандидати — ботаник);

янги техника ўсимликларнинг ривожланиш биологияси —младший илмий ходим (ботаник);

ўсимликлар альгологияси ва микологияси — младший илмий ходим (ботаник);

Қизилқум чўли станцияси бўйича — младший илмий ходим (ботаник).

Конкурс муддати—14/II гача.

Ариза ва ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Тошкент шаҳар, Оржоникидзе посёлкаси, Академия шаҳарчаси.

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

театр қошида очилган

СТУДИЯГА

(ўзбек группасига)

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 йил.

Студияга 8-10 синфни тамомлаган, 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 6-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОСПЛАНИ «ГЛАВСНАБИГА»

Тошкент шаҳрининг Фрунзе район, 2- Салор посёлкаси, 6-уйдаги ва Куйбишев район, Грампластинка кўчаси, 48- уйдаги базаларида ишлаш учун:

бош бухгалтер ўринбосари, бухгалтерлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Фрунзе кўчаси, 27- уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (8, 26-автобуснинг «Финкельштейн», 3- трамвай, 4- троллейбуснинг «Ассакинская» остановкаси). Телефон 2-77-93, 3-09-23.

Бизнинг адрес ва телефонлар СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26. Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221 Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — 31226. Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалик — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор—30249. 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

№ Г — 27. || Индекс 64543. || Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. || Р. 07572.